

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА  
АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳукукида

**БОЙМИРЗАЕВ ЧИНГИЗБЕК МУРОДАЛИ ЎҒЛИНИНГ**

**ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ  
ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИМАВЗУСИДА**

**5A240124 – Тергов фаолияти**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар:** Академия катта  
ўқитувчиси, (PhD)  
Д.С.Довудова

Тошкент – 2021 йил

## Оглавление

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>1-БОБ. ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ</b> .....	9
<b>1.1.Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси ва мақсади</b> 9	
<b>1.2.Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш принциплари</b> .....	23
<b>2-БОБ. ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ МЕҲАНИЗМИ</b> .....	44
<b>2.1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг хуқуқий асослари</b> .....	44
<b>2.2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлашдаги мавжуд муаммолар таҳлили</b> .....	61
<b>3-БОБ. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b> .....	68
<b>3.1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш борасидаги хорижий амалиёт</b> .....	68
<b>3.2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш масалалари</b> .....	83
<b>ХУЛОСА</b> .....	83
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:</b> .....	92

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади халқимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни самаралироқ муҳофаза қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига асосан барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг ҳисобланади.

Шунга кўра, ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари қонунга кўра бир хил муҳофаза қилиниши лозим.

Шу каби кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири жиноят содир этган ақли норасо, шунингдек, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларни даволаш ва улар содир этиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олиш масаласи ҳисобланиб, инсонлар соғлиғини сақлаш, жамият хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай ривожланган ва демократик давлатнинг муҳим ва асосий ижтимоий вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ва кўплаб хорижий давлатлар жиноят қонунларига кўра, руҳий касалларнинг ижтимоий хавфлилиги уларни мажбурий равишда даволаш учун асос ҳисобланади.

Чунки, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига қилинган ҳар қандай тажовуз жамият учун ҳам хавфли ҳисобланади.

Инсон соғлом ёки касал эканлигидан қатъий назар, унинг ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Шунга кўра, ақли норасо деб топилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган, жиноят содир этганидан кейин ҳукм чиқарилгунга қадар ёки жазони ўташ вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки

уларни бошқара олмайдиган даражада рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилиши лозим.

Жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти сифатида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўзига хос жиҳатларга эга эканлиги, уларнинг жиноий жазодан фарқлари, юридик оқибати, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш туфайли юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар, шахснинг рухий касаллиги сабабли уни жиноий жавобгарлик ёки жазодан, жазони ўташдан озод қилиш, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка, сил, ОИВ касаллигига чалинган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарурлиги, рухий касалликка чалинган шахсларнинг ижтимоий хавфлилиги ва уларнинг янги жиноят содир этишининг олдини олиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатларини узайтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги тадқиқот олиб борилиши зарурияти мавжудлигидан далолат беради.

Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этганларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш республика бўйича 2016 йилда 147 та, 2017 йилда 168 та, 2018 йилда 143 та, 2019 йилда 95 та, 2020 йилда 123 та жиноят иши бўйича амалга оширилган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари нафақат юридик, балки тиббий мақсадни ҳам кўзлайди. Шу сабабли, ҳозирда муаммонинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганилиши зарурияти мавжуддир.

Мавзуга оид назарий ва амалий маълумотларнинг таҳлили суд амалиётида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, ушбу қонунчиликни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни тоқазо этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунга қадар жинойт ҳуқуқининг алоҳида институти сифатида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўрганишга оид махсус тадқиқотлар олиб борилмаган бўлсада, М.Ҳ.Рустамбаев, Х.Т.Одиқориев, М.Усмоналиев, М.А.Абдухаликов, М.М.Қодировлар томонидан жинойт ҳуқуқи бўйича дарсликларда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масалаларига оид фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Бундан ташқари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан хорижий давлат олимлари А.Я.Иванюшкин, В.Н.Игнатъев, Р.В.Коротких, И.В.Силуянова, Б.Г.Юдина, В.Н.Додонов, А.И.Говрунова, П.А.Колмаков, А.Н.Батанов, Б.А.Протченко, Б.А.Спасенников, А.В.Ленский, А.Ю.Коптяев, А.Т.Байсеитова, Р.И.Михеев, А.В.Беловодский, А.Т.Исмагулова, Р.М.Шагеева, Э.Т.Шакаров, Г.В.Назаренко, Р.А.Собитов, М.Ш.Буфетова, А.А.Нерсеян ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшишган.

Бироқ, олиб борилган тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси жинойт қонунидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг тушунчаси, мақсади, уларни қўллаш асослари ва ҳуқуқий моҳиятини аниқлаш, таҳлил қилиш учун етарли эмас.

Чунки бу ҳодиса ҳам ҳуқуқий ҳам тиббий нуқтаи назаридан комплекс равишда ўрганилиши лозим.

**Тадқиқонинг мақсади.** Диссертациянинг назарий мақсади тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари институтини комплекс равишда ўрганиш, ушбу чораларни қўллаш ва тайинлаш асослари ва мақсадлари, уларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ баҳсли масалаларни таҳлил қилиш асосида уларнинг ечимини топиш ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асосларини белгиловчи илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқот вазифалари:**

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси, уларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва мақсадларини аниқлаш;

- ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

- ҳукм чиқарилгунга қадар ёки жазони ўташ вақтида рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларнинг ечимини топиш;

- алкогольизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга оид қонун нормалари ва амалиётини ўрганиш;

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатларини узайтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари ва муаммоларини ўрганиш;

- илғор хорижий тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали зарур тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти – тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети:**

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асосларига бағишланган илмий асарларни ташкил қилади.

**Тадқиқот методлари.**Тадқиқот олиб боришда тизимли, концептуал, қиёсий-ҳуқуқий, муаммоли-мақсадли, мантиқий, индукция, дедукция, статистик ва бошқа методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг **методологик асосини** миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигининг норматив-ҳуқуқий асослари ҳамда олимларнинг ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамияти шакллантиришда суд-ҳуқуқ ислохотлари, жумладан, жиноят қонунчилигини

такомиллаштириш юзасидан билдирилган фикрлари ва ғоялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** унда Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига кўра, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш, қўллаш муаммолари комплекс равишда тадқиқ қилинган. Шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти сифатида ўрганилмаган, илмий адабиётларда унинг ижтимоий-сиёсий, тиббий жиҳатлари тадқиқ этилган бўлсада, ушбу чораларнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган.

Диссертацияда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари, унинг мақсадлари, турлари, уларнинг муддатини узайтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш асосларини, ушбу чоралар қўлланилиши мумкин бўлган шахслар доираси ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Бу ўз навбатида, суд амалиётида ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган ёки жиноят содир этганидан сўнг ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятларини англай олмайдиган ёки ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалинган ва ЖК 96-моддасида кўрсатилган шахсларга жиноий жазо билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш муаммоларини комплекс равишда ўрганиш натижаларига мувофиқ бундай чораларнинг қўлланилиш сабаблари, шартлари аниқланган бўлиб, бу тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти сифатидаги ўрни ва аҳамиятининг назарий жиҳатларини ўрганиш имконини беради.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Илмий ишнинг тузилиши ва ҳажми тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларига мувофиқдир.

Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг ҳажми 100 бет. Ишга доир 92 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган.



# **1-БОБ. ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

## **1.1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси ва мақсади**

Маълумки, жиний жавобгарлик ва жазо фақатгина руҳий соғлом, ўз қилмишининг хусусиятини англаб етган ва ўз ҳулқ-атворини бошқара олган ёки бошқариши лозим бўлган шахсларгагина қўлланилади.

Шунга кўра, ижтимоий хавфли қилмиш ақли норасолик ҳолатида содир этилган бўлса, ушбу қилмишни содир этган шахс жиний жавобгарликка тортилмайди.

Бундан ташқари, ижтимоий хавфли қилмиш ақли расо шахс томонидан содир этилиб, содир этганидан сўнг шахс руҳий касалликка чалиниб, ақли норасо деб эътироф этилган бўлсада, шахс жиний субъекти сифатида тан олинади.

Бироқ, ушбу шахслар жазонинг жазоловчи ва тарбияловчи таъсирларини англаб етишга лоқайдсизлиги сабабли жиний жазога тортилмайди. Шу сабабли, унга нисбатан жиний жазонинг қўлланилиши унга салбий таъсир қилиши мумкинлигини инобатга олганимизда, жазонинг қўлланилиши мантиққа зид ҳисобланади.

Ҳуқуқ назариясида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ҳам ҳуқуқий ҳам тиббий хусусият ва мазмунга эга бўлган мураккаб жиний-ҳуқуқий чора сифатида баҳоланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси ва унинг ўзига хос кўринишлари пайдо бўлиши узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Тарихан жамият учун хавфли бўлган руҳий касалларга нисбатан қўлланилган жазо ва мажбурий чораларнинг турли кўринишлари мавжуд бўлган.

Жумладан, Қадимги Римда руҳий касалликка чалинган шахсларни зиндонга ташлашган. Ўрта асрларда эса, руҳий касал бўлган шахсни иблис

эгаллаб олиши сифатида баҳолаб, ушбу шахсларга нисбатан ўта шафқатсиз жазо чоралари, ҳаттоки, гулҳанда ёқиш каби жазолар қўлланилган.

Европа давлатларида XIX асрга қадар соғлом ва руҳий касал бўлган шахслар ҳибсхоналарда биргаликда сақланган. Руҳий касалликка чалинган ва ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахслар жойлаштириладиган махсус муассасалар фақатгина XIX асрга келиб пайдо бўлишни бошлаган<sup>1</sup>.

Франциянинг 1810 йилги Жиноят кодексида ақли норасолик ҳолатида жиноят содир қилган шахслар ўз қилмиши учун жавобгар бўлмасликлари тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган<sup>2</sup>.

Юртимизда тиббий йўсиндаги мажбурулов чораларини қўллаш тўрисидаги манбаалар дастлабки совет жиноят ҳуқуқига оид манбааларда учрайди.

Жумладан, 1924 йилдаги СССР ва Иттифоқ республикалари жиноят қонунчилигининг асослари ва РСФСР нинг 1926 йилдаги Жиноят кодексларида “жазо” тушунчаси белгиланмай, унинг ўрнига “социал ҳимоя чоралари” киритилиб, унинг таркибига тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари ҳам киритилган. Ушбу вақтда жиноят қонунчилигида тиббий йўсиндаги мажбурулов чораларининг мазмуни ва уларнинг турлари белгиланмай, улар қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Шундан сўнг, тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят кодексида ўз ифодасини топган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “тиббий<sup>3</sup>-тибга, тиббиётга оид, алоқадор”, - деб, “мажбуру<sup>4</sup> –ўз ҳоҳиш-ихтиёридан ташқари ёки бирор

---

<sup>1</sup>Иванюшкин А.Я., Игнатъев В.Н., Коротких Р.В., Силуянова И.В. Глава XII. Этические проблемы оказания психиатрической помощи//Введение в биоэтику: Учебное пособие/ Под общ. Ред. Б.Г.Юдина, П.Д. Тищенко.-Москва: Прогресс-Традиция, 1998. –С.381.

<sup>2</sup>Додонов В.Н. Сравнительное уголовное право. Общая часть/под общ.ред. С.П.Щербы. –М.:Юрлитинформ, 2009.-С.345.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.4.Тарғибот-Шукр/Таҳририят хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –б-82.

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1.А-Д/Таҳририят хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – б-522.

нарсанинг тоқазоси туфайли қандайдир бир ишни шарт ҳолати”, - деб, “чора-ёғдам бериш йўли, бирор ишни мақсадни амалга ошириш учун пухта ўйлаб тузилган, тадбирлар мажмуи”, - сифатида таърифланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчасига ҳуқуқ назариясида турли тушунчалар ва қарашлар келтирилган.

Россия Федерацияси ҳуқуқшунослари тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига турли доктринал таърифларни беришга ҳаракат қиладилар.

Муаллифлар ўз таърифларида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мазмун ва мақсадини очиб беришга интиланлар.

Шунингдек, Россия Федерацияси жиноят ҳуқуқи энциклопедиясида “тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари – суд томонидан жиноят қонуни махсус қисмида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноятни содир этган руҳий касалликка чалинган шахсга нисбатан, ушбу касаллик мазкур шахслар томонидан ўзига ёки бошқа шахсларга жиддий зарар етказиши эҳтимоли билан боғлиқ бўлса, суд томонидан қўлланиладиган жиноят қонуни билан кўзда тутилган мажбурий даволаш турлари ҳисобланади”<sup>1</sup>, - деб кўрсатилган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари содир этган жинояти ёки ижтимоий хавфли қилмиши учун жиноят субъекти бўла олмайдиган ва жиноий жавобгарликка ёки жазолаш мумкин бўлмаган шахсларни мажбурий даволаш ёки унинг хавфлигига қараб жамиятдан ажратишга қаратилган давлатнинг ҳуқуқий таъсир чораси сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқшунос А.И.Говрунованинг ёзишича, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишни содир этган ва мажбурий даволанишга муҳтож бўлган руҳий касал шахсларга нисбатан тайинладиган жиноят ҳуқуқий чора сифатида тарифланган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Энциклопедия уголовного права России // [www.pravozor.ru/criminal-law/chapter-prinuditelnye-mer-meditsinskogo-haraktera/html/](http://www.pravozor.ru/criminal-law/chapter-prinuditelnye-mer-meditsinskogo-haraktera/html/)

<sup>2</sup> Говрунова А.И. Уголовно-процессуальные проблемы применения принудительных мер медицинского характера: Автореф.дисс. ...канд.юрид.наук. –Краснодар, 2009.-С.6.

Фикримизча, унинг ушбу таърифи тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг умумий жихатларини ўзида ифодалаган бўлсада, унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш имконини бермайди.

Айтиш жоизки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига берилган тушунча ва таърифларни назарий жихатдан шартли равишда ҳуқуқий (П.А.Колмаков, Н.В.Жарко), тиббий-ҳуқуқий (В.П.Котов, Б.А.Протченко, Б.А.Спасенников, С.Е.Вицин, С.В.Бородин), тиббий (Е.В.Мищенко, Ю.К.Якимович, В.Горобцов), фуқаролик-ҳуқуқий (А.Ю.Коптяев) каби тўртта гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ олимлари, жумладан П.А.Колмаков тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноят қонунида кўзда тутилган давлат мажбурлов чораларининг алоҳида тури бўлиб, у ақли норасолик ҳолатида жиноят содир этган, ақли расоликни истисно қилмайдиган ёки жазо тайинлаш ёхуд жазони ўташни истисно қиладиган даражада руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан, шунингдек, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож, соғлиғининг руҳий ҳолати ва қилмишининг хусусиятидан келиб чиқиб ижтимоий хавфли қилмишларни қайта содир этмаслиги учун жамиятдан ажратиш, бемор шахсини ўзининг ҳаракатларидан ҳимоя қилиш ва ижтимоий реабилитация чораларини ўтказиш учун қўлланиладиган мажбурлов чораси деб таърифлайди<sup>1</sup>.

Фикримизча мазкур таъриф нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчасини қамраб олган бўлсада, унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ қамраб олмаган.

Жумладан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари нафақат жиноят содир этиш вақтида руҳий касал бўлган шахсларга, балки жиноят содир этганидан сўнг руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Мазкур гуруҳ олимларидан яна бири А.Н.Батановнинг ёзишича, “тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ижтимоий хавфли қилмиш ёки

---

<sup>1</sup>Колмаков П.А. Сущность, цели и виды принудительных мер медицинского характера // - Сыктывкар: Сыктывкар ун-т, 1999. -С 12.

жиноят содир этган рухий касалликка чалинган шахсга нисбатан суд ҳукми ёки ажримга мувофиқ тайинланадиган давлат мажбурлов чоралари бўлиб, ушбу шахсларни психиатрия даволашда намоён бўлади. Ушбу чораларнинг мазмуни касални даволаш ёки унинг рухий ҳолатини яхшилашга йўналтирилган диагностик, даволовчи ва бошқа тиббий чора-тадбирлар мажмуини ўтказишда ифодаланади”<sup>1</sup>.

Бизнингча, ушбу таъриф юқоридаги таърифга нисбатан хусусийроқ аҳамият касб этганлиги сабабли тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчасини тўлиқ ёритиб бера олмайди.

Иккинчи гуруҳ олимларидан Б.А.Протченконинг фикрича, “тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қонунда белгиланган, суд томонидан ўзининг рухий ҳолати бўйича ва содир этилган қилмишнинг ҳарактерига кўра хавфли ҳисобланган, шунингдек, жиноят содир этганидан кейин рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тайинланадиган тиббий суд чоралари”, - деб ҳисоблайди. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жазо чораси ҳисобланмайди, улар кўрсатилган шахсларнинг рухий саломатлигини қайта тиклаш ва улар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш мақсадини назарда тутуди<sup>2</sup>, - деб ҳисоблайди.

Бундан келиб чиқадики, муаллиф тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тиббий суд чоралари деб ҳисоблайди, бу эса, фикримизча, ушбу чораларнинг ҳуқуқий моҳиятини тўла очиб бера олмайди.

Ушбу гуруҳ олимларидан яна бири Б.А.Спасенников ўз қарашларида ушбу турдаги мажбурлов чораларига “тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари – жиноят қонуни махсус қисмида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этган шахсларга, шунингдек, жиноят содир этганидан кейин жазони тайинлаш ёки ижро этишни истисно этадиган рухий касаллик келиб чиққан шахсларга ёхуд жиноят содир этишда

---

<sup>1</sup> Батанов А.Н. принудительные меры медицинского характера: история, теория, законодательное регулирование и практика применения: Автореф.дисс. ...канд.юрид.наук. –Ульяновск, 2004.-С.7.

<sup>2</sup>Протченко Б.А. Принудительные меры медицинского характера по советскому уголовному праву: Автореф.дисс...канд.юрид.наук. –М.,1979.-С20.

айбдор бўлган ва ақли расоликни истисно қилмайдиган, бироқ жиноят содир этиш вақтидаги хулқи ва иродасига таъсир кўрсатган руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан суднинг ажрими билан тайинланадиган, узайтириладиган, ўзгартириладиган ва бекор қилинадиган ҳамда янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг, ўзи ёки бошқа шахслар учун жиддий зарар етказиш хавфининг олдини олиш, ушбу шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида руҳий соғлиғини мустаҳкамлаш, қайта тиклашга қаратилган чора-тадбирларда намоён бўладиган давлат мажбурлов чоралари”<sup>1</sup>, - деб таъриф беради.

Бундан кўриш мумкинки, ушбу берилган таъриф тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчасини тўлиқ тушуниш имконини беради.

Учинчи гуруҳ олимларидан бири ҳисобланган Ю.К.Якимович тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, жиноят қонунида кўзда тутилган бўлсада, аммо улар ўз табиатига кўра, жиноят-ҳуқуқий чоралар ҳисобланмайди дейди. Унинг фикрича, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш жиноят ҳуқуқининг мақсадларига эришишга қаратилмаганлиги сабабли уни тиббий жиҳатдан таърифлайди<sup>2</sup>.

Тўртинчи гуруҳ муаллифлар тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари фуқаролик суд ишларини юритишга тааллуқли эканлигини таъкидлайдилар.

Жумладан, А.Ю.Коптяев тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари фуқаролик суд иш юритуви тартибида психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликда кўрсатилган асослар бўйича руҳий касал бўлган ҳамда ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган шахсга даволаш ва жамиятни руҳий касал шахсларнинг хавфли тажовузларидан чегаралаш мақсадида суд қарори билан тайинланадиган давлат мажбурлов чораси деб ҳисоблайди. Шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўз табиатига кўра, жиноят ва жиноят-процессуал институт ҳисобланмайди,

<sup>1</sup> Спасенников Б.А. Принудительные меры медицинского характера (теория, уголовно-правовое регулирование, практика). Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - М., 2004. - С.10.

<sup>2</sup> Ленский А.В., Яминович Ю.К. Производство по применению принудительных мер медицинского характера. – М.: Юрист, 1999. - С.11

ушбу давлат мажбурлов чоралари тиббий табиатга эга бўлиб, жиноят ҳуқуқий ва жиноят-процессуал вазифаларни ҳал қилишга қаратилмаган. Шу боис уларни тартибга солиш жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик доирасидан ташқарида бўлиши лозим дейди<sup>1</sup>.

Фикримизча, ушбу фикр етарли ҳуқуқий ва мазмуний асосларига эга эмас. Чунки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари комплекс ҳуқуқий восита сифатида бевосита жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига тааллуқли ҳуқуқий муносабат ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш жоизки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноят ҳуқуқи доирасидаги вазифа ва функцияларни амалга оширишда қўлланилишининг ўзи ҳам ушбу институтнинг жиноят ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли эканлигини англатади.

Юқоридаги фикрлардан фарқли равишда Л.В.Багрий тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг шаклларида бири<sup>2</sup>, - деб ҳисоблайди. Олим тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мақсади руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларга нисбатан уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш, уларни тузатиш, эканлигини асослайди. Шунинг учун ҳам, жазо билан бирга тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини жиноий жавобгарликни амалга ошириш шаклларида бири, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, А.А.Беляев, М.Д.Шаргородскийлар тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўз юридик табиатига кўра жазо ҳисобланмасида, улар кўпинча жазо билан бир хил тушунча эканлигини таърифлайдилар<sup>3</sup>.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Юридик энциклопедиясида “тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари – жиноят

---

<sup>1</sup> Коптяев А.Ю. Производство о применении принудительных мер медицинского характера: Автореф.дисс. ...канд.юрид.наук. –Тюмень, 2010.-С.7.

<sup>2</sup>Курс уголовного права., Том 2. Общая часть. Учение о наказании. Под ред. Н.Ф.Кузнецовой., И.М.Тяжковой. –М.: Зерцало.2002.-С.347.

<sup>3</sup>Уголовного право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Отв.ред. Б.В.Здравомыслов. М.:Норма,1996.-С.495.

конунчилиги бўйича жазо тури ҳисобланади ва мажбурий даволаш суд орқали амалга оширилади ва бунда даволаш муддати белгиланмайди”<sup>1</sup> мазмундаги таъриф берилган.

Фикримизча, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазодан ўз асослари, мақсадлари, мазмуни ва юридик оқибатлари билан фарқ қилади.

Жиноят содир этган шахсга тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси шахсни жазолаш ёки хатти-ҳаракатлари қораланишини билдирмайди. Жиноий жазо жавобгарликни амалга ошириш шакли бўлиб, судланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди<sup>2</sup>.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилганда ҳам шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари маълум даражада чекланади<sup>3</sup>.

Бироқ, бизнингча, ушбу чеклашлар жиноий жазодаги чеклашдан фарқ қилиб, руҳий касални даволаш ва реабилитация қилиш билан боғлиқдир.

Шу ўринда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини жазо билан қиёсий таҳлил қилиниши назарий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг жазо чоралари билан бир қатор ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга.

Унга кўра, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва жазонинг қуйидаги ўхшаш жиҳатларини санаш мумкин:

- жиноят қонуни билан назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишларни содир этган шахслар учун қўлланади;
- турли тоифадаги текловлар билан боғлиқ бўлади;
- суд томонидан тайинланади;
- давлат мажбурловини ўзида ифода этади;
- жиноят-ҳуқуқий тақиқларни бузишнинг ҳуқуқий оқибати ҳисобланади;

---

<sup>1</sup> Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: “Шарқ”, 2001. -357-б.

<sup>2</sup>Байсеитова А.Т. Наказание как основная форма реализации уголовной ответственности// материалы международного научно-практического конференции «Актуальные проблемы борьбы с преступностью на современном этапе» Алматы, 2008.-С.100-103.

<sup>3</sup>Колмаков П. Допустимо ли оставлять участника уголовного судопроизводства без субъективных прав// Уголовный процесс, 2005, -№4. –С.72-74.



- келгусидаги жинойтлар содир этилишини олдини олишга қаратилганлиги.

Бироқ, жазо ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўртасида жиддий фарқлар ҳам мавжуд.

Жумладан, қуйидагилар асосий фарқлари ҳисобланади:

- қўлланиладиган шахслар доираси (тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари умумий жиной жавобгарликка тортилмайдиган ақли норасо шахсларга нисбатан қўлланилади);

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражада касал бўлиб қолганлиги туфайли жиной жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади;

- жазони ўташ давомида ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражада касал бўлиб қолган шахсларга нисбатан қўлланилади;

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиной-ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Худди шу каби, С.Я.Улицкий, С.Е.Вицинлар ўз илмий тадқиқот ишларида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жазодан қўллаш асослари (руҳий касалликнинг мавжудлиги ва даволаш зарурияти), мазмуни (қилмишни салбий жинойт-ҳуқуқий баҳолашнинг йўқлиги), мақсади (даволаш, ҳулқини тузатиш эмас), юридик оқибатлари (мажбурлов чоралари судланганликни келтириб чиқармайди) бўйича фарқланишини кўрсатиб ўтади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жазо билан бирга тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан тайинланади, уларнинг ижроси эса давлатнинг мажбурлови орқали таъминланади.

Бироқ, юқоридаги олимларнинг фикридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жазо билан бирга тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини жиной жазо сифатида баҳолаб бўлмайди.

Профессор М.Ҳ.Рустамбаев тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари давлат номидан суд ажрими билан, ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноят содир этган руҳий касалларга, шунингдек, алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан қўлланилиб, бу шахсларга руҳий ва бошқа тиббий ёрдамни шахс бутунлай тузалиб кетгунига ёки турғун яхшилангунга ва жамият учун хавфлилигини йўқотгунга қадар мажбурлов тартибида кўрсатилишидан иборатдир<sup>1</sup>, - деб такидлайди.

Бизнингча, ушбу таъриф бошқа таърифларга нисбатан анча мукамал, лекин, унда алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандлик касаллигига чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо билан бирга қўлланилиши аниқ кўрсатилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари – бу жиноят қонуни билан кўзда тутилган, суд томонидан суд-психиатрия экспертизаси ҳулосаси асосида руҳий касал шахсларга нисбатан тайинланадиган ва манфаатдор шахс иродасидан қатъий назар амалга ошириладиган руҳий даволашни ифодалайди.

Ушбу чораларнинг моҳияти беморнинг руҳий ҳолатини яхшилаш ёки даволаш мақсадида тиббий ёрдам кўрсатишда, шунингдек, унинг янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олишда намоён бўлади<sup>2</sup>.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб айтиш лозимки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари юридик табиатига кўра, хавфсизликнинг жиноят-ҳуқуқий чоралари бўлиб, моҳияти жиноий ҳуқуққа ҳилоф қилмишни содир этган ва ўз руҳий ҳолатига кўра жамият учун хавф туғдирадиган шахсларни мажбурий даволашда намоён бўлади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўз табиатига кўра, давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади. Бундай мажбурлов чоралари фақат суд

---

<sup>1</sup>М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. II-том. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: Илм-зиё.2011.-266-б.

<sup>2</sup> Постатейный комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации/ Под ред. Н.А.Громова. – М.:ГроссМедиа, 2007.С.234.

томонидан тайинланади ва қўлланади. Бунда ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахснинг хоҳиш-иродаси эътиборга олинмайди ва унга нисбатан бир қатор ҳуқуқий чеклашлар жорий қилинади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган, ҳаракатларини бошқара олмайдиган ва ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган оқибатнинг ижтимоий аҳамиятини англай олмайдиган шахсларга қўллаш мумкин ҳисобланади.

Амалдаги жиноят қонунчилигимизда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчасига таъриф берилмаган бўлсада, унинг мақсади норматив жиҳатдан мустаҳкамланган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мақсадларини ўрганиш, ушбу ҳуқуқий институтнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 91-моддасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий ҳолати бузилган, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан ушбу шахсларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари алкоғолизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан жазолаш билан бир қаторда, даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароитлар яратиш учун суд томонидан тайинланиши мумкинлиги ҳам белгиланган.

Қонунда бу мақсадларнинг белгиланганлиги шахснинг руҳий ҳолати ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга олиб келганлиги ва унинг ижтимоий хавфлилигини, унга нисбатан тиббий йўсиндаги даволаш чорасини қўллашнинг зарурияти ва даволаш вақтида ҳамда ундан сўнг беморнинг яна ижтимоий хавфли қилмиш содир этишининг олдини олишга қаратилган ҳисобланади.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланиладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мақсади сифатида қонунда мазкур беморни даволаш эканлиги кўрсатилган.

Даволаш шахснинг ақлий, иродавий фаолиятига таъсир этувчи спиртли ичимликлар, психотроп моддалар ёки гиёҳвандлик воситаларига қарамликни бартараф этишдан иборат ҳисобланади.

Шунингдек, даволаш касалликнинг тўлиқ тузалиши, яъни рухий касаллик белгиларининг йўқолиши назарда тутилади ва мажбурий даволашни амалга оширишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Аммо барча касалларнинг тўлиқ тузалиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам қонунда рухий касалларни даволаш билан бир қаторда улар рухий ҳолатини яхшилаш деганда, рухий касаллик белгиларининг қисман йўқолиши ва касалнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг камайиши тушунилади.

Бундай усулда даволаш, шахснинг тўлиқ тузалишини мақсад қилиб кўймасда, шахснинг рухий ҳолатини жамият учун хавф туғдирмайдиган даражада тузатишга қаратилади.

Ҳуқуқшунос Р.И.Михеев рухий ҳолатни яхшилаш деганда, рухий касаллик белгиларининг йўқолиши ва ремиссиянинг юз беришини тушунади<sup>1</sup>.

Бу албатта, шахснинг даволанганлигини англатмайди, лекин ўахснинг ўз ҳаракатининг аҳамиятини англаши ва бошқара олишини ифодалайди.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилганидан кейин суд даволаш билан бирга, янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олишни ҳам мақсад қилиб кўяди.

Ҳуқуқшунос А.Т.Исмагулова тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўзида давлат мажбурлов чораларининг турларидан бири бўлиб, суд томонидан рухий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган

---

<sup>1</sup> Михеев Р.И., Беловодский А.В., Воробей В.А., Михеев О.Р. Принудительные меры медицинского характера в уголовном праве – социально-правовые и медико-реабилитационные меры безопасности. -2000. -С.70

ёки алкогольизм ёки гиёхвандликка чалинган шахсларга, улар ўзлари ва бошқа шахслар учун хавф солиши мумкин бўлган ҳолларда тайинланади деб тариф берган<sup>1</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, ушбу таърифда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўлланилишидан кўзланган мақсад нафақат ўзга шахслар ҳуқуқларини ҳисоя қилиш балки, руҳий касалликка чалинган шахсни ўзини ҳам ҳимоя қилишдан иборат.

Р.М.Шагеева эса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари деганда суд томонидан жиноят қонунида кўзда тутилган шахсларга улар руҳий касаллиги, содир этган қилмиши хусусияти ва бошқа ҳолатлар туфайли ўзи, бошқа шахслар учун хавф туғдирган, бошқа зарар етказиш эҳтимоли бўлган ҳолларда уларни даъволаш, руҳий ҳолатини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек, улар томонидан янги ҳуқуққа ҳилоф жиноий ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида тайинланадиган жиноят-ҳуқуқий чораларни тушуниш лозим<sup>2</sup> эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги таърифларда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш мақсадлари нисбатан кенгрок ёритилганлигини тушуниш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мақсадларини ўрганиш асосида шахсни руҳий соғлом ёки соғайган дейиш учун унда жиноий қилмишни содир этиш хавфи йўқолиши ёхуд ижтимоий ҳаётга мослашганлиги сабабли хулқ-атвори хавфлилигининг жиддий камайганлигини тушуниш лозим.

Шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари – суднинг қарори билан ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноят содир этган руҳий касалларга, шунингдек алкогольизм, гиёхвандлик ёки захарвандликка чалинганларга жазо

---

<sup>1</sup> Исмагулова А.Т. Регламентация принудительных мер медицинского характера по законодательству Российской Федерации и Республики Казахстан: Автореф.дисс. ...канд.юрид.наук. –Челябинск, 2010. –С.8

<sup>2</sup> Шагеева Р.М. Проблемы применения принудительных мер медицинского характера в уголовном процессе: Автореф.дисс. ...канд.юрид.наук. –Уфа, 2005. –С.6.

билан бирга мажбурий тартибда руҳий ёки бошқа тиббий ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади.

## 1.2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш принциплари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилган бўлиб, уни тан олиш, унга риоя этиш ва ҳимоя қилиш давлат олдидаги мажбуриятларнинг энг муҳими ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат қуриш шароитида ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлар ва амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳам инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилмоқда.

Бу албатта, барча ҳуқуқ соҳалари сингари жиноят қонунчилиги нормаларини ҳам ўз ичига олади.

Ушбу соҳада сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур ислоҳотларнинг натижаси тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш соҳасига ҳам татбиқ этилмоқда.

Руҳий касалликка чалинган ва ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш сўнгги вақтга келиб фақатгина ҳуқуқий ёки тиббий муаммо бўлмай қолди. Ҳуқуқшунос ва шифокорларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти жамиятимизни инсонпарварлашуви ва демократлашуви даражасини ифодалаши боис тобора муҳим ижтимоий аҳамият касб этиб бормоқда.

Ҳуқуқшунос олим А.И.Говрунованинг “руҳий касал шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш ва таъминлаш жамият ривожланганлиги, инсонпарварлиги, демократлашганлиги даражасининг кўрсаткичларидан биридир”<sup>1</sup>, - деб таъкидлаб ўтган эди.

Мамлакатимиз ҳуқуқий тизими муайян ҳуқуқий принциплар асосида амал қилади. Ҳуқуқий принциплар ҳуқуқий тизимнинг муҳим таркибий

---

<sup>1</sup>Говрунова А.И. Уголовно-процессуальные проблемы применения принудительных мер медицинского характера: Автореф. Дисс. ... канд.юрид.наук. – Краснодар. 2009.-С.20.

қисми негизи ҳисобланганлиги сабабли у ўзида ҳуқуқнинг мавжудлик қонуни, ички мантиғини ифода этади.

Ҳуқуқ принциплари ҳеч муболағасиз унинг моҳиятини ифодаловчи асосий жиҳатларидан бирини, асл ўзагини ташкил этади. Зеро, принцип ҳуқуқ шаклланишида йўналиш берувчи мўлжал, мезон вазифасини ўтайди.

Шу боис, ҳуқуқ принципларига “ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатидаги моҳиятини ифодаловчи энг асосий қарашлар, ғоялар ва қоидалар”<sup>1</sup>, - деб таъриф берилган.

Ҳуқуқ принциплари ўз табиатига кўра ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ахлоқий, диний ва махсус юридик турларга бўлинади. Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда умумий ва махсус, соҳавий ва тармоқлараро принциплар тўғрисида фикр-мулоҳазалар мавжуд<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш принципларини белгилаш соҳадаги давлат сиёсатининг йўналишларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассам этган ҳуқуқ нормаларини яратиш ва амал қилиши ўзининг бир қатор принципларига эга.

Маълумки, ҳуқуқ принциплари бевосита қонун ҳужжатларида мустаҳкамланади.

Қуйида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш принципларини миллий ва хорижий қонунчиликдаги асослари ва назарий жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1991 йил 17 декабрдаги 46/119-сонли резолюциясига учинчи илова сифатида “Руҳий касал шахсларни муҳофаза қилиш ва психиатрия ёрдамиди яхшилаш принциплар”и тасдиқланган.

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик/ Р.Юсувалиева, М.Ахмедшаева, М.Нажимов ва бошқалар. Масъул муҳаррир Р.Юсувалиева. Т.: ЖИДУ, 2019. Жами -308 б. Олдим -Б-108.

<sup>2</sup> Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. –Тошкент. “Адолат”, 2018. Жами 528 б. Олдим -Б-186



Мазкур принциплар тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ва шахсни даволаш процессидаги инсон ҳуқуқларига оид 25 та принципни ўз ичига олади.

Мазкур принципларда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланган шахснинг тиббий муассасада бўлиши билан боғлиқ бир қатор принциплар қатори жиноят қонунчилигига оид нормалар ҳам ўз ифодасини топади.

Ушбу принципларни қўллашдан асосий мақсад ҳуқуқларни амалга оширишда қонунда кўзда тутилган ҳамда манфаатдор шахс ёки бошқа шахсларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш ёки жамоат тартиби, хавфсизлигини, саломатлиги ёхуд ахлоқини, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини сақлаш ҳисобланади.

Мазкур принципларга кўра, барча инсонлар соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизимининг бир қисми бўлган мавжуд психиатрия ёрдамининг энг яхшисидау фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Руҳий касалликдан азобланаётган ёки шундай деб ҳисобланаётган барча шахсларга нисбатан инсонпарварона ва унинг шаънига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Шунингдек, руҳий касалликдан азобланаётган барча шахслар иқтисодий, шахвоний ёки бошқача шаклдаги эксплуатациядан, жисмоний ёки бошқача тусдаги инсон шаънини камситувчи муомаладан муҳофазаланиш ҳуқуқига эга.

Башарти, суд ёки бошқа ваколатли орган руҳий касал шахс ўз ишларини юритадиган аҳволда эмаслигини аниқлайдиган бўлса, зарурият доирасида мазкур шахснинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда унинг манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлаш чораларини кўради.

Бундан ташқари, руҳий касалликдан азобланаётган ҳар бир инсон имкон борича жамиятда яшаш ва ишлаш ҳуқуқига эга эканлиги мазкур принципларда ўз ифодасини топган.

Тиббий йўсиндги мажбурлов чораларини қўллаш принципларини шартли равишда умумий ва махсус принципларга бўлишимиз мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг умумий принциплари мисолига демократизм, қонунийлик, инсонпарварлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги принципларини келтириб ўтиш мумкин.

Шуниси аҳамиятлики, юқоридагилардан қонунийлик ва инсонпарварлик умумий ҳуқуқ принциплари бўлиш билан бир қаторда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда махсус принциплар бўлиб ҳам ҳисобланади.

Шуни такидлаш жоизки, Жиноят кодекси мавҳум умумижтимоий кадриятларни назарда тутмайди, балки аниқ ва лўнда ҳуқуқий ҳодисаларни ифодалайди.

Юқорилардан келиб чиққан ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш жараёнидаги махсус принципларни тизимли изоҳлашимиз, биз ўйлаймизки, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига бир қатор принциплар берилган бўлиб, бу принципларнинг аксарияти бевосита тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишига ҳам тадбиқ этилади.

Бу принциплар жиноят қонунида назарда тутилган давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати, содир этилган қилмиш учун жавобгарлик ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг негизлари, чегаралари ва шакллари ҳақида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, этник, диний ва бошқа ҳуқуқий тасаввурларни акс эттирадиган етакчи ғоялар ва асосий қоидалар ҳисобланиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 3-моддасида бир қатор принциплар берилган бўлиб, бу принциплар нафақат тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қўлланиши, балки жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг демократик моҳиятини акс эттириб, қонун нормаларини ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ёки бекор қилишнинг ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан уларнинг қўлланилишининг рахбарий асосларини белгилаб беради.

Унга кўра қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари кодекснинг принциплари ҳисобланади.

Бирок, ушбу принциплардан қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик ва одиллик принциплари тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига ҳам алоқадор ҳисобланади.

Айб учун жавобгарлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга тааллуқли принциплар ҳисобланмайди.

Шунга кўра, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган нормалар тизими ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзаро боғлиқ ҳисобланиб, бир-бирини белгиловчи ҳуқуқий принциплардан ташкил топган деб айта оламиз.

Ўрнатилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари нормаларидан фарқли ўлароқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш принциплари ушбу чораларнинг қўллашнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг йўналишини акс эттирмасдан, балки уни амалга оширишнинг айрим таянч усулларини белгилаб беради.

Принципларнинг бўлмаслиги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш вазибаларини фақат декларатив хусусиятга эга қилиб қўяди.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш принципларидан чекиниш уларни бажармаслик ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазибаларини амалга оширмасликни англатади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг жиноят қонунчилигида ўрнатилган принциплари фуқароларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга кўмаклашиш ва шу орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олишдан иборат мақсадларни кўзлайди.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш принциплари суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг мансабдор

шахсларининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишига ва бу борадаги Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига оид вазифаларни бажаришда талабчанлик ва шахсий масъулиятни оширишга хизмат қилади.

Юқоридагиларга кўра, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш принципларига тўхталиб ўтишимиз, энг аввало ушбу соҳадаги мавжуд қонун нормаларининг мазмун-моҳиятини англаш ва келгусидаги истиқболларини белгилаб олиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, қуйидагиларни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдаги махсус юридик принциплар деб ҳисоблаш мумкин:

- жиноят қонунида белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш борасидаги нормаларнинг бутун мамлакат аҳолиси учун умуммажбурий-лиги;

- жиноят қонунчилигининг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш соҳасидаги устуворлиги;

- жиноят қонунида мустақамланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда инсон ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги.

Мазкур принциплар тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдаги ҳуқуқ нормаларининг назарий жиҳатларини ўзида ифода этади.

Қуйида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш махсус принципларини таҳлил қилиб чиқишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 3-моддасида назарда тутилган қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, демократизм, одиллик принциплари тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда махсус принцип сифатидаги вазифаларни ўтайди.

Умумижтимоий принцип сифатида тан олинган қонунийлик принципининг мазмун-моҳияти умумҳуқуқий жиҳатдан Конституция ва қонунларнинг устунлигида акс этади. Жиноят кодексининг моддасида

келтириб ўтилган “содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади”, - деб мустаҳкамланган норма жиноят-ҳуқуқий принципларнинг аниқ эканлигини ўзида ифода этади.

Қонунийлик принципи Жиноят кодексида мустаҳкамланган принципларнинг тартибини бошлаб беради. Бироқ, буни бир принципнинг бошқа бир принципдан устунлиги сифатида тушунмаслик керак.

Ушбу принципга асосан руҳий касаллиги туфайли шахсни ҳуқуққа лаёқатсиз деб топиш ва бундай ҳуқуққа лаёқатсизлик натижасида шахсий вакил тайинлаш тўғрисидаги ҳар қандай қарор фақатгина давлатнинг ички қонунчилиги бўйича ташкил этилган мустақил ва холис суд органи томонидан адолатли муҳокама этиб бўлингач қабул қилиниши лозим.

Ҳуқуқ лаёқати муҳокама предметиға айланган шахс адвокат вакилликдан фойдаланиш ҳуқуқиға эға. Башарти ҳуқуқ лаёқати муҳокама предмети бўлган шахс ўзини бундай вакиллик билан мустақил таъминлай олмаса ва бу учун етарли маблағға эға бўлмаса, бундай шахс унға бепул тақдим этилиши лозим.

Суд органи манфаатлар тўқнашуви йўқлиғиға ишонч ҳосил қилган ҳоллардан ташқари адвокат айнан бир муҳокама чоғида психиатрия муассасаси ёки унинг ходимини ва шунингдек, ҳуқуқ лаёқати муҳокама предмети бўлган шахснинг оила аъзоларини манфаатларини ифодаламаслиғи лозим.

Қонунийлик принципи ҳар бир принципни бир-бири билан боғлаб, тўлдириб туради.

Жиноят кодекси фақат биргина принципға таяниб қолиши мумкин эмас, зеро, у олдиға қўйилган ҳар бир масалани ечиб бера олмайди. Тизимнинг таъсир доираси келтирилган барча принципларнинг ҳаракатида акс этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида қайд этилганидек “Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади”,

- деб кўрсатилганлиги ҳам қонунийликка риоя этиш мажбурийлигини ифодаси ҳисобланади.

Маълумки, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида қонунийлик принципи торроқ маънода ифодаланган бўлиб, унга кўра содир этилган қилмишнинг жинойлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши назарда тутилган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдаги қонунийлик принципи авваламбор, ушбу мажбурлов чорасини қўлланилиши фақат Жиноят кодекси асосидагина тартибга солинишини англатади.

Фикримизча, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда қонунийлик принципини қуйидаги асосларда изоҳлаш мумкин:

- фақат Жиноят кодексигина шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш мумкинлигини белгилайди;
- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари фақат суднинг ҳужжатига асосан қўлланилиши мумкин;
- шахснинг ҳуқуқий ҳолати фақатгина қонун билан тартибга солинади.

Қонунийлик принципи шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш борасидаги қонун ҳужжатларини тартибга солинишини назарда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1-моддасида жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу кодексдан иборатлиги белгиланган. Шунга кўра, шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ушбу кодексда назарда тутилган нормалар асос бўлади. Ҳеч бир шахсга нисбатан Жиноят кодексига назарда тутилган тартиб ва доирадан четга чиқилган ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

Қилмишнинг жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар ҳам жиноят қонунида белгиланиши қонунийлик принципининг ўзига хос кўринишини ташкил қилади.

**Қилмишнинг жазога сазоворлиги** ҳам қонунийлик принципи учун унинг жиноийлигини белгилашдан кам бўлмаган равишда аҳамиятга эга. Аммо, қилмишнинг жиноийлиги шахс ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг хусусияти бўлса, қилмишнинг жазога сазоворлиги уни содир этганликнинг оқибати бўлиб, жиноий қилмиш содир этган шахсни Жиноят кодексида белгиланган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашда ифодаланади.

Бироқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашни тақозо этадиган шахслар томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар айрим ҳолларда жазога сазоворлик хусусиятига эга бўлсада, шахснинг руҳий ҳолати барқарорлашмагунга қадар бундай жазо чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат қонун билан тартибга солиниб, бу жиноят ҳуқуқидаги қонунийлик принципининг яқунловчи босқичи ҳисобланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари шахснинг баъзи бир ҳуқуқлари чекланиши билан бирга унга айрим кўшимча мажбуриятлар ҳам юклатилади.

Руҳий касаллик борлиги тўғрисидаги ташхис ҳеч қачон сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий ҳолати ёки бирор-бир маданий, ирқий ёки диний гуруҳга мансублик асосида ёхуд руҳий саломатлик ҳолатига бевосита алоқаси бўлмаган бошқа ҳар қандай бир сабаб бўйича ҳам қўйилмайди.

Оилавий ёки хизмат можаролар ёки тегишли шахс яшаб турган жамиятда устувор бўлган ахлоқий, ижтимоий, маданий ёки сиёсий қимматликлар ёхуд диний қарашлар шахсда руҳий касаллик мавжудлиги тўғрисидаги ташхисни қўйишда ҳеч қачон ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Юқоридагилар, албатта, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдаги қонунийлик принципининг мазмун-моҳиятини очишда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 5-моддасида барча демократик давлатларнинг умумхуқуқий принципи - фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи изчил равишда акс эттирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида<sup>1</sup> мустаҳкамланган ушбу принципнинг Жиноят кодекси вазифаси сифатида ўрнатилиши унинг конституциявий қоида бўлмиш қонун олдида тенглик принципини амалда бўлишини таъминлайди.

Бунга кўра, ЖК умумий тенглик принципини эмас, балки жиний қилмишни содир этиш билан боғлиқ бўлган шахсларнинг тенглигини назарда тутди.

Кодекснинг 5-моддасига мувофиқ, жиноят содир этган шахслар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенглиги белгиланган.

Умумий олганда қонун олдида тенглик принципи жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми асосларини мустаҳкамлайди, улар шахс, жамият ва давлат олдида бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ва қонун томонидан уларга бир-бирига нисбатан бирон-бир имтиёзга эга эмас.

Шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун олдида бир хил бўлиб, жинси, ирки, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, камситилишига йул қўйилмайди.

Жиноят қонуни олдидаги тенглик тўғрисидаги қоида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тенглиги тўғрисидаги қоиданинг ҳосиласи деб ҳисобланади<sup>2</sup>.

Руҳий касаллик негизида ҳеч қандай дискриминацияга йўл қўйилмайди. Дискриминация ҳуқуқлардан тенг фойдаланишни йўқ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ун иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ун биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. - Т.: "Ўзбекистон", 2017. - 8 б.

<sup>2</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. –Б-37.



қиладиган ёки қийинлаштиришга сабаб бўладиган ҳар қандай фарқлаш, истиснолар ёки афзал кўришларни англатади.

Бироқ, руҳий касал шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ёки ҳолатини яхшилаш мақсадидагина қабул қилинадиган махсус чоралар дискриминация ҳисобланмайди.

Дискриминация ўзига руҳий касал шахснинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ва мазкур принциплар қоидаларига мувофиқ, амалга ошириладиган фарқлар, истиснолар ёки афзалликларни қамраб олмайди.

Қонун олдида тенглик принципи умумий жиноий ва хусусий жиноий кўринишларга эга.

**Жиноят ҳуқуқи учун умумий кўриниш** сифатида ушбу принцип жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқий мақомининг фундаментал асосларини Кодекста мустаҳкамлашда намоён бўлади. Бу кўриниш содир этилган жиноят учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги билан ифодаланади. Шундай қилиб, тенглик принципининг умумжиноий кўриниши жиноят таркибига алоқадор бўлмаган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қонун олдида тенглигини ўзида намоён этади.

**Жиноят ҳуқуқи учун хусусий кўриниш** тенглик принципида бир хил жиноят содир этган шахслар бир-биридан устун қўйилишига йўл қўймайди.

Тенглик принципининг ушбу кўриниши содир этилган жиноят таркибидаги бир хиллик ҳамда жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий мақомидаги тенгликда намоён бўлади. Хусусан, безориликда айбланган бир неча шахсни бир-биридан фарқли қараш бекор бўлмайди, бироқ айни пайтда одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс билан ўғирлик содир этган шахснинг ҳуқуқий ҳолати ёки бошқа ҳолатидаги фарқ, масалан, уларнинг

вояга етган-етмаганлиги, тайинланадиган жазо, жазони ўташ ва бошқа ҳолатларида бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Бизга маълумки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турларини қўллашда тенглик принципи энг муҳим аҳамиятли жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу принципни қўллаш орқали руҳий ҳолати ўхшаш бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини бир хилда таъминлаш имкони бўлади.

Демократизм принципининг жинойт тўғрисидаги қонун ҳужжатларида намоён бўлиши жинойт ҳуқуқи нормаларида халқимиз иродасини ифода этиб, пировардида бу нормалар Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 6-моддасида жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жинойт содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Демократизм принципи жинойт тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини амалга оширишда, хусусан, жинойт содир этган шахсларни тарбиялашда жамоатчилик вакиллари жалб қилишни назарда тутди. Худди шу йўл билан, ўтказилаётган ислоҳотлар давлатнинг жинойт-ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлайди.

Демократизм принципи жинойт жавобгарликдан озод қилинган ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиладиган шахсларни тарбиялашда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоалар иштирокининг кўпгина жиҳатларини белгилаб берган жинойт тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўзининг ифодасини топган.

---

<sup>1</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жинойт ҳуқуқи курси. Том 1. Жинойт ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. –Б-37.

<sup>2</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жинойт ҳуқуқи курси. Том 1. Жинойт ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. –Б-39.

Инсонпарварлик принципи ЖК 7-моддасига кўра қуйидагиларни англатади:

“Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш оркали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин”.

ЖКнинг 7-моддаси - инсонпарварлик принципи инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши мустаҳкамланган бўлиб, Конституциянинг 13-моддаси<sup>1</sup> мазмунини акс эттиради. Айти пайтда ушбу модда конституциявий норманинг Жиноят кодексигади такрори ҳисобланмайди, балки жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашда инсонпарварлик принципи энг муҳим вазифалардан бирини бажаради.

Инсонпарварлик принципини қуйидагича кўринишларда ифодалаш мумкин:

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди;
- ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ушбу шахснинг қайта жиноят содир этишининг олдини олиши зарур.

Жисмоний азоб бериш ва инсон қадр-қимматини камситиш деганда, жисмоний ва руҳий хусусиятдаги ҳар қандай азоб эмас, балки фақат тиббий

---

<sup>1</sup> Узбекистон Республикасининг Конституцияси: Ун иккинчи чакирик Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ун биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. - Т.: “Узбекистон”, 2017. – 7-6 б.

йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш моҳиятидан келиб чиқмайдиган ёки тасодифан келиб чиқадиганларини англаш лозим.

Ушбу принципга мувофиқ, тиббий йўсиндги мажбурлов чоралари ортиқча азоб ва камситишларни келтириб чиқармаслиги керак, чунки бундай ҳаракатлар шахснинг ўз ҳаёт фаолиятини давом эттириш қобилиятига путур етказди. Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноят содир этган шахсдан ўч олиш мақсадида эмас, балки кодекснинг инсонпарварлик ғояларига таяниб, уни тарбиялаш ва жамиятга қайтаришни кўзда тутди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш унга жисмоний азоб бериш ёки кадр-қимматини камситишни назарда тутмасдан унинг қайта тарбияланиши ва янги жиноят содир этмаслиги учун зарур ва етарли таъсир чораларини назарда тутиши инсонпарварлик принципининг моҳиятини белгилайди.

Одиллик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14, 18-моддаларида мустаҳкамланган бўлиб<sup>1</sup>, халқаро ҳуқуқ принципларидан бири сифатида эътироф этилган.

Адолат умумий категория сифатида ўзида ҳаётининг воқеликнинг айрим қимматлик ва қадриятларини, хусусан, воқеликнинг тўғри ва ҳаққоний баҳоланишини акс эттиради. Одилликнинг бундай тушунилиши жиноят ҳуқуқига ҳам хос бўлиб, унинг хусусияти ўзида адолат мезонининг бир оз бошқа жиҳатини назарда тутди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ун иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ун биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 7, 9 б.

Адолат жиноят ҳуқуқи принципи сифатида жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг содир қилинган жиноий қилмишга яраша юқоридаги учта категория асосида жазо тайинланишини тақозо этади.

ЖК 8-моддаси 1-қисмида одиллик ўзида жазонинг содир қилинган жиноятга мувофиқ бўлиши ёки ушбу ҳолатда муҳим йўналиш сифатида намоён бўлувчи содир қилинган қилмишнинг оғирлиги, айб даражаси, айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигини ифода этади, дейилган.

Муайян жиноий қилмишнинг объектив томонини ифодаловчи жиноятнинг оғирлик даражасидан фарқли равишда, айбнинг даражаси бу шахснинг руҳий ҳолати, айб шакли, ҳулк-атворининг мотиви, мақсади, айбдорнинг кайфияти, ҳис-ҳаяжони ва турли кечинмаларини умумий тавсифловчи категориядир. Мазкур элементлар жиноят ҳуқуқи нуктаи назаридан турлича хусусиятга эга бўлиб, уларнинг баъзилари жиноят таркибига киритилган, баъзилари киритилмаган.

Бироқ, танланган жазо ёхуд бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини баҳолаш учун айбнинг даражасини аниқлашда шахснинг ўзи содир қилган жиноий қилмишига руҳий муносабатини ифодаловчи юқорида келтирилганларнинг барчаси инобатга олинishi зарур.

Шахснинг хатти-ҳаракатида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш жавобгарликка тортишнинг муҳим белгиси ҳисобланади, яъни, бу жиноят қонуни билан жазоловчи ва ҳаракатни ижтимоий хавфли деб ўрнатувчи объектив ва субъектив белгилар мажмуидир. Шахснинг қилмишида жиноят таркибининг аниқланмаганлиги шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслигига сабаб бўлади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Жиноят кодексига мувофиқ, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш жазо қўлланилиши шартлигини англамайди. Содир қилинган қилмиш учун жавобгарлик фақат жазо воситасидагина эмас, балки жиноят қонунида назарда тутилган бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини амалга ошириш орқали ҳам қўлланилиши мумкин<sup>1</sup>.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг махсус принциплари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида ҳам назарда тутилган.

Мазкур қонун нормасига асосан қуйидагилар психиатрия ёрдами кўрсатиш принциплари ҳисобланади:

- қонунийлик;
- ижтимоий ҳимояланганлик;
- инсонпарварлик;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш;
- ахборотнинг махфийлиги.

Шунингдек, Қонуннинг 6-моддасида психиатрия ёрдами кўрсатиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш учун давлат томонидан қуйидагилар қафолатланиши белгиланган:

- давлат тиббиёт муассасаларида бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам, тез ёрдам, шу жумладан ихтисослаштирилган тиббий тез ёрдам кўрсатиш чоғидаги бепул психиатрия ёрдами;

- қонунчиликка мувофиқ барча турдаги психиатрия экспертизаларини ўтказиш;

- тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясининг тегишли хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, руҳий ҳолати бузилган шахсларга ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш ва уларни ишга жойлаштиришга қўмаклашиш;

- руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг васийлик масалаларини ҳал қилиш;

- психиатрия ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасаларида, руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасаларда ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ва юридик ёрдамнинг бошқа турлари;

- фавқулодда вазиятлар чоғидаги психиатрия ёрдами кўрсатилиши.

Қонунда кўрсатилган психиатрия ёрдами кўрсатишнинг давлат томонидан кафолатланганлигини қуйидагилар орқали изоҳлаш мумкин:

- руҳий ҳолати бузилган вояга етмаган шахсларнинг давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида таълим олишини ташкил этади;

- руҳий ҳолати бузилган шахсларни реабилитация қилиш ва жамиятга қайта интеграция қилиш мақсадида улар учун мослаштирилган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этган ҳолда, психиатрия муассасалари ҳудудида меҳнат терапияси, янги касб-хунарларга ўқитиш ва руҳий ҳолати бузилган шахсларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида даволаш-ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этади;

- руҳий ҳолати бузилган шахсларни ишга жойлаштирувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун иқтисодий рағбатлантириш (имтиёзлар, преференциялар бериш ва бошқалар) усулларини қўллайди;

- руҳий ҳолати бузилган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўради.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ уларга берилган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

Бундан ташқари, мазкур қонун асосида руҳий ҳолати бузилган шахслар ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

- ўзларига нисбатан инсон қадр-қиммати камситилишини истисно этадиган мурувватли ва инсоний муомала қилиниши;

- ўз ҳуқуқлари ҳақида, шунингдек руҳий ҳолатининг хусусияти ҳамда қўлланилаётган даволаш усуллари ҳақида ўзлари учун тушунарли шаклда ва ўз руҳий ҳолатлари ҳисобга олинган ҳолда маълумот олиш;

- бундай ёрдамни энг кам чекловли шароитларда, имкони борича турар жойида олиш;
- тиббий заруратга кўра даволашнинг барча турларидан фойдаланиш (шу жумладан санаторий-курортда даволаниш);
- бундай ёрдам санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда кўрсатилиши;
- тиббий восита ва усулларни синаш, илмий тадқиқотлар ёки ўқув жараёни объекти тариқасида фойдаланилишга, фото, видео ёки киносуратга олинишга олдиндан розилик бериш ва исталган босқичда ундан воз кечиш;
- ўзларининг талабларига биноан исталган мутахассисни ушбу Қонун билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан тиббий комиссияда ишлаш учун таклиф этиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адвокат, қонуний вакил ёки бошқа шахснинг ёрдамини олиш.

Рухий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини (фақат психиатрия ташхисига, диспансер кузатувида, психиатрия стационарида ёхуд ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасида бўлганига асосланиб ва ҳоказо) чеклашга йўл қўйилмайди.

Бундай ҳуқуқ бузилишларда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ушбу нормадан ҳам кўриш мумкинки давлат тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланган шахсларга нисбатан ҳар қандай қонунга мувофиқ бўлмаган муомала учун жавобгарлик белгилаб, уларнинг ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлаган.

Юқоридаги нормалар, албатта, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш имконини беради.

Ҳеч бир шахс ёки орган бевосита руҳий касаллик ёки руҳий касалланиш оқибатига тааллуқли мақсадларидан бошқача ҳолда у ёки бу шахс руҳий касалликдан азобланаётганлигини эълон қилиши ёки бошқа бирон усулда кўрсатиши мумкин эмас.



Шунингдек, ҳеч бир шахс давлатнинг ички қонунчилигида кўзда тутилган тартибга мувофиқ бўлмаган ҳолда руҳий касалликдан азобланаётганлигини аниқлаш мақсадида тиббий кўрикдан ўтишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Юқоридаги принциплар қўлланилаётган барча шахсларга тааллуқли маълумотлар махфий хусусиятга эга бўлишига риоя этилиши лозим.

Инсонпарварлик принципининг мазмунига кўра, ҳар бир бемор имконият борича ўзи яшаётган жамиятда даволаниш ва ғамхўрлик қилиниши ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Ҳар бир бемор унинг соғлиғини тиклаш учун зарур бўлган тиббий ва ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига ҳамда бошқа беморлар билан тенг стандартларда даволаниш ва ғамхўрлик кўрсатилиши ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, ҳар бир бемор унинг соғлиғига зарар етказишдан, шу жумладан дори-дармондан асоссиз фойдаланиш, бошқа беморлар, ходимлар ёки бошқа шахслар томонидан суистеъмолликлар ва бошқа руҳий азобланиш ёки жисмоний ноқулайлик туғдирадиган ҳаракатлардан ҳимояланишдан фойдаланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланган шахс энг кам чеклашларни кўзда тутувчи муҳитда ҳамда унинг ва бошқа шахсларнинг соғлиғи ҳамда жисмоний хавфсизлигини таъминлаш учун заруриятига мутаносиб бўлган энг кам чекловчи ёки инвазив усулларда даволаниш ҳуқуқига эга.

Психиатрия ёрдами ҳамиша психиатрия соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар учун этика нормаларига, шу жумладан, тиббий этика принциплари сингари соғлиқни сақлаш ходимлари, хусусан, шифокорлар ролига тааллуқли, маҳкумлар ёки ушлаб турилганларни қийнаш ва бошқача шафкатсиз, ғайриинсоний ёки шаъни ва кадр-қимматни камситувчи жазо ва муомала турларидан муҳофаза қилишга оид, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган халқаро тан

олинган нормаларга мувофиқ кўрсатилади. Психиатрия соҳасидаги билим ва кўникмаларни суистеъмол қилишга йўл кўйилмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Руҳий касал шахсларни муҳофаза қилиш ва психиатрия ёрдами яхшилаш принциплар”ига мувофиқ психиатрия муассасасида сақланаётган ҳар қандай бемор хусусан, унинг қуйидаги ҳуқуқлари тўлиқ ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга:

- a) ҳуқуқ субъекти сифатида ҳар томонлама тан олиниш;
- b) ёлғиз қолиш ҳуқуқи;
- c) муомала эркинлиги, бу ўз ичига бошқа шахслар билан ушбу муассаса доирасида муомала қилиш эркинлигини; цензурага йўл кўйилмайдиган шахсий ҳабарлар жўнатиш ва олиш эркинлигини; ҳар қандай оқилона вақтда адвокат, шахсий вакил ёки бошқа ташриф буюрувчиларни ёлғиз қабул қилиш ҳуқуқини; почта ва телефон хизматлари, шунингдек, газета, радио ва телевидениядан фойдаланиш эркинлигини қамраб олади;
- d) эътиқод қилиш ёки виждон эркинлиги.

Шунингдек, психиатрия муассасасида яшаш шароити ва ҳолати шу ёшдаги шахсларнинг нормал ҳаёти шароитларига имкон қадар яқинлаштирилиши, хусусан, қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

- a) бўш вақт ва дам олиш учун имкониятлар;
- b) таълим олиш учун имкониятлар;
- c) кундалик ҳаёт, бўш вақт ўтказиш ва муомала қилиш учун зарур бўлган предметларни сотиб олиш ёки қабул қилиш имконияти;
- d) беморни унинг ижтимоий мақоми ва маданий хусусиятларига жавоб берувчи фаол ҳаракат қилишга чорловчи имкониятлар ва бундай имкониятлардан фойдаланишини рағбатлантириш ва уни ижтимоий реинтеграция қилиш мақсадида профессионал реабилитация қилиш бўйича тегишли чораларни амалга ошириш. Ушбу чоралар касбий йўналтириш, касбий ўқитиш ва ишга жойлаштиришни ҳам қамраб олиши ҳамда беморлар жамиятда иш олишлари ёки сақлаб қолишларини таъминлаши лозим.

Юқоридагиларга кўра, ҳар қандай тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланган шахс мажбурий меҳнатга жалб қилиниши ва бемор меҳнати эксплуатация қилиниши мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганимизда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш принциплари соҳадаги давлат сиёсатининг йўналишларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиб, уларни қўллашда инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассам этган ҳуқуқ нормаларини яратиш ва амал қилиш имконини беради.

## **2-БОБ. ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ**

### **2.1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари**

Бизга маълумки, англаш ва ирода - одам руҳий ҳолатининг элементлари ҳисобланади, уларнинг жами айбнинг мазмунини ташкил этади. Айбсиз жиноий жавобгарлик мавжуд эмас. Бундан келиб чиқадики, ақли расолик ҳам эҳтиётсизликдан ҳам қасддан содир этиладиган жиноятлардаги айбнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Маълумки, жиноятнинг субъекти бўлиб, фақатгина ўз ҳаракатларини англайдиган ёки бошқара оладиган шахс бўлиши мумкин. Бошқача сўз билан айтганда бу ҳолат ақли расолик дейилади. Ақли расолик ва ақли норасолик тушунчалари жиноят ҳуқуқида муҳим ҳисобланади, шунинг учун у ҳам назарий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан ўзига жалб этади. Жиноий жавобгарликка ўз ҳаракатларини англай олмайдиган шахс жалб этилмайди, яъни ақли норасо бўлган, ўзининг ҳаракатларини руҳий касал бўлган вақтда ёки вақтинчалик руҳий носоғлом бўлган вақтда, онг жиҳатдан орқада қолганлик ёки руҳий бошқа касаликка учраган вақтда фактик ҳолатини ва ижтимоий ҳавфлилигини англай олмаган ёки бошқара олмаган шахс ҳисобланади. Ақли норасолик вақтида ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асосларига алоҳида моддалар бағишланган бўлиб, унда мазкур чоралар қўлланилиши мумкин бўлган шахслар тоифаси, ушбу чораларни қўллаш шартлари ўз ечимини топган.

Таъкидлаш лозимки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноят қонунчилигидаги мустақил институт ҳисобланиб, унинг ҳуқуқий асослари

нафақат жиноят кодекси нормаларида, балки бошқа бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларида ўз ифодасини топади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1-моддасида жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фақатгина Жиноят кодексидан иборат эканлиги таъкидланган бўлсада, тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари нафақат кодекс, балки бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топганлиги сабабли ҳуқуқшунослар томонидан турли фикрларга сабаб бўлмоқда.

Тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги, “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа қонуности нормаларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тиббий йўсиндаги мажбурият чораларига бағишланган бобида тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини “қўллаш” ва “тайинлаш” каби тушунчалар ишлатилган.

Фикримизча, тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини “қўллаш” ва “тайинлаш” тушунчаларига таъриф бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу ўринда авваламбор, “қўллаш” ва “тайинлаш”, “асос” ва “шарт” тушунчалари мазмунига аниқлик киритиш зарур.

Чунки, ушбу параграфда тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш асослари ўрганилаётганлигини ҳисобга олганимизда ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига назар ташлайдиган бўлсак, унда “қўллаш” – ишда, амалда татбиқ этиш<sup>1</sup>, “тайинлаш” – белгилаш, ўрнатиш,

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.5.Шукрона-Х/Таҳририят хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар ва бошқ.); ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –б-405.

кўзлаш<sup>1</sup> сифатида изоҳланган. Шу билан боғлиқ ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш жараёни ҳам дастлабки тергов босқичида ҳам амалга оширилади, уларнинг тайинланиши эса қонунда кўзда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳолда фақатгина суд томонидан қўлланилиши мумкин деган хулосага келиш мумкин.

“Асос” тушунчасининг моҳияти – предмет, ҳодиса таянчи, негизи; у ёки бу ҳолатни оқловчи сабаб, етарлича баҳона; у ёки бу асосланадиган нисбатан муҳим ҳолатлар<sup>2</sup>, “шарт” атамаси эса, - у ёки бу нарса боғлиқ бўлган муайян вазиятга сабаб бўлувчи ҳолатлар, бирор нимани амалга ошириш имкониятини белгилайди<sup>3</sup>, деб таърифланган.

Асос ўзида бошқа ҳолат(оқибат)га сабаб бўлувчи ҳодиса (сабаб)ни ифодалайди, шарт эса, - бошқа ҳолатни вужудга келиши учун зарур бўлган ҳодиса бўлиб, ўз-ўзича уни юзага келтирмайди. Шарт бу асоснинг амалий ҳаёти бевосита боғлиқ бўлган ҳолатлар бўлиб, у тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ва унинг аниқ бир турини танлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда асосларга хамроҳлик қилади, уни танлашда шахс ҳуқуқларини кафолатлаш ва қонунийлиги тартибини таъминлаш маъносида ёрдамчи аҳамият касб этади. Асос тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш заруриятини вужудга келтиради. Башарти, бундай асослар мавжуд бўлмаса, шартлар бўлишидан қатъий назар тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

Таъкидлаш лозимки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг жиноят-ҳуқуқий асослари ўзида нималарни қамраб олиши масаласи юридик адабиётларда мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бир гуруҳ муаллифлар бундай асослар сифатида мажбурлов чораларини рухий

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.3.Н-Тартибли/Таҳририят хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –б-642.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1.А-Д/Таҳририят хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –б-108.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.4.Тарғибот-Шукр/Таҳририят хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –б-550.

касалларга қўллаш (ёки қўлламаслик) зарурияти, уларни қўллаш шартлари ва тартибини белгилайдиган ҳолатлар мажмуини тушунадилар<sup>1</sup>.

Иккинчи гуруҳ муаллифлари, уларни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касал шахсларга нисбатан тайинлаш учун зарур бўлган ҳолатлар мажмуи сифатида таърифлайдилар<sup>2</sup>.

Учинчи гуруҳ муаллифлари эса, жиноят қонунида белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг уч асосининг бир вақтда мавжуд бўлиши деб эътироф этадилар<sup>3</sup>.

Айрим ҳуқуқшунослар тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари ва шартларини фарқлайдилар ҳамда асос сифатида руҳий бузилишлар билан мавжуд бўлган шахснинг ижтимоий хавфлилигининг аниқланиши, шартлари сифатида эса шахс томонидан ижтимоий хавфли ёки жиноий қилмишнинг содир этилиши ва унда руҳий бузилишнинг бўлишини тушунадилар<sup>4</sup>.

Ҳуқуқшунос Г.В.Назаренко юқоридаги фикрга кўшилган ҳолда жиноий ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этган руҳий касал шахснинг ижтимоий хавфлилигини тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг ягона асоси деб ҳисоблайди<sup>5</sup>.

Аксинча, Р.М.Шагеевнинг фикрича эса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари деганда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш заруриятини келтириб чиқариш билан боғлиқ бўлган омиллар мажмуини тушуниш лозим<sup>6</sup>, - деб таъкидлайди.

---

<sup>1</sup>Шакаров Э.Т. Принудительные меры медицинского характера по делам о невменяемых: Автореф. Дисс. ... канд. Юрид. Наук. – Ташкент.2000. № 7. С. 31-31.

<sup>2</sup>Назаренко Г.В. Принудительные меры медицинского характера: Слайд-лекция: СГИ, 2001. -29 с.

<sup>3</sup>Колмаков П.А. Проблемы правового регулирования принудительных мер медицинского характера. Дисс. ... д-ра юрид.наук.

<sup>4</sup>Собитов Р.А. Принудительные меры медицинского характера // Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под общ. Ред.В.В. Мозякова. –М., 2002. –С.168.

<sup>5</sup>Назаренко Г.В. Принудительные меры медицинского характера: Учеб. Пособие. М.: Дело, 2003. –С.49.

<sup>6</sup> Шагеева Р.М. Принудительные меры медицинского характера: уголовно-правовые и уголовно-процессуальные основания применения // Материалы Всероссийской научно-практической конференции, посвященной 95-летию Башкирского университета. Часть 1. –Уфа: РИО БашГУ, 2004.

Фикримизча, ҳуқуқшунос Г.В.Назаренко ҳамда Р.М.Шагееванинг фикрлари бир-бирига зид ҳисобланмасада дедуктив нуктаи назаридан фарқланади.

Чунки, Р.М.Шагеева тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашнинг асосига бирмунча кенгроқ ва мавҳумроқ тушунча бериб ўтган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асоси ўзида ҳуқуқий ва тиббий жиҳатларни уйғунлаштирган ҳамда улар бирлашган ҳолда мазкур чораларнинг қонуний ва асосли тайинланишини таъминлайди.

Бироқ, фикримизча, жиноят қонунчилигида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари аниқ-равшан белгиланмаган.

Таъкидлаш лозимки, “тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари” тушунчасига доктринал манбаларда турлича таърифлар берилган. Жумладан, Э.Т.Шакаров тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асоси - бу руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш (қўлламаслик) заруриятини, уларни қўллаш шартлари ва тартибини белгилаб берувчи ҳолатлар мажмуи деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос Т.Н.Журавлева тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асоси деганда мажбурлов чораларини аниқ шахсларга нисбатан қўллаш заруриятини ифодалайдиган ва жиноят қонунчилигида мустақамланган ҳолатлар мажмуини тушунади<sup>2</sup>.

Ҳуқуқшунос В.Сверчков тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асоси сифатида ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноят содир этган шахсни даволаш заруриятини билади<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос М.Ш.Буфетованинг фикрича зса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг ягона асоси бўлиб,

---

<sup>1</sup>Шакаров Э.Т. Принудительные меры медицинского характера по делам о невменяемых : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Ташкент, 1989. - С. 14.

<sup>2</sup> Журавлева Т.Н. Институт принудительных мер медицинского характера в законодательстве Российской Федерации : дис. ... канд. юрид. наук. - Ростов, 2002.

<sup>3</sup> Слержков В. Принудительные меры медицинского характера// Законность. 2000. №7. - С. 31.



жиноят-ҳуқуқий қилмиш содир этган руҳий касал шахснинг ижтимоий хавфлилиги ҳисобланади<sup>1</sup>.

Юқоридаги муаллифларнинг фикрлари тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асосларини ёритсада, бироқ унинг мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди деб ҳисоблаймиз.

Чунки, юқоридаги таърифларда ушбу тушунчанинг объектив ва субъектив жиҳатлари тўлиқ ва уйғунликда ёритилмаган.

Юқоридаги муаллифлардан фарқли ўлароқ, С.В.Бородин ва С.В.Полубинскаялар тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асосларининг мажмуи тўғрисида фикр юритадилар. Комплекс ёндашувга мувофиқ, “тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асосида учта элемент ажратилади ва уларнинг барчасининг мажмуи тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун етарли бўлади, улардан ҳеч бўлмаганда бири бўлмаса, бу мазкур чораларни қўллашни истисно этади”- деб ҳисоблайдилар.

Ушбу элементлар сифатида шахс томонидан жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноятнинг содир этилганлиги факти, ушбу шахсда руҳий касаллик ёки алкоголизм ёки гиёҳвандликнинг мавжудлиги ва мазкур шахсни унинг ўзига ва атрофдагиларга зарар етказиши хавфини келтириб чиқарувчи руҳий ҳолатидан келиб чиқиб даволаш зарурияти<sup>2</sup>.

Мазкур масала юзасидан шундай ёндашувни бошқа бир қатор тадқиқотчилар ҳам қўллаб-қувватлайдилар<sup>3</sup>. Жумладан, В.Т.Томин ва В.В.Сверчковларнинг таъкидлашича, юқорида қайд этилган таркибий

---

1 Буфетова М. Ш. Уголовно-правовые и уголовно-процессуальные основания применения принудительных мер медицинского характера // Социально-экономические аспекты реформ в России: проблемы, пути решения (в Сибирском и Дальневосточном регионах) : материалы междунар. науч-практ. конф. Улан-Удэ, 2004. С. 10-11.

<sup>2</sup> Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования / ств.ред. В.Н. Келина. –М., 1987. –С.208

<sup>3</sup> Зелинская Н.А. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть / под ред. А.И.Рарога. - М., 2001. - С. 493-494,498; Шагеева Р.М. Принудительные меры медицинского характера: уголовно-правовые и уголовно-процессуальные основания применения // Проблемы совершенствования и применения законодательства о борьбе с преступностью; материалы науч-практ. конф. - Уфа, 2004, Журавлева Т.Н. Курс.асар.

қисмларнинг бир вақтнинг ўзида мавжудлиги (бирлиги) суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>.

Шунингдек, Б.А.Спасенников ҳам жиноят қонунида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари аниқ шакллантирилмаганлигига эътибор қаратиб ўтади. Унинг ёзишича, мазкур шахслар учун хос бўлган хусусиятлар:

а) жиноий-релевант вазиятга таъсир кўрсатган руҳий бузилишнинг мавжудлиги;

б) Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида кўзда тутилган қилмишнинг содир этилиши;

в) руҳий бузилиш таъсири остида ижтимоий хавфли қилмишни такрор содир этиш хавфи<sup>2</sup> мавжудлиги.

Ушбу муаллифдан фарқли ўлароқ Н.Ф.Кузнецова ва И.М.Тяжкова тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг икки асосини кўрсатадилар:

а) ЖК Махсус қисмида кўзда тутилган қилмишнинг содир этилиши;

б) муайян тоифадаги шахслар<sup>3</sup>нинг мавжудлиги.

Фикримизча, юқоридаги олимларнинг фикрига кўра, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асосларига ҳам ҳуқуқий ҳам тиббий нуқтаи назардан ёндашилган бўлиб, бу ушбу асосларни тўғри белгилаш имконини берган.

Шундай қилиб, ҳуқуқшуносларнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари бўйича хилма-хил ва кенг доирадаги фикр-мулоҳазалари билдирилган бўлсада, уларнинг мезонларини аниқ белгилаш зарурияти сақлаб қолинмокда. Зеро, тиббий йўсиндаги мажбурлов

---

<sup>1</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова // Справ, правовая система «КонсультантПлюс».

<sup>2</sup> Спасенников Б.А. Принудительные меры медицинского характера (теория, уголовно-правовое регулирование, практика): дис.... д-ра юрид. наук. - М., 2004. - С. 49.

<sup>3</sup> Курс уголовного права. Общая часть. Учение о наказании / под ред. Н.Ф.Кузнецовой, И.М.Тяжковой. - М., 2002.

чораларини қўллаш асослари ушбу чораларни қўллашнинг нафакат назарий нуқтаи назардан, балки қонунчилик негизи саналади.

Мажбурий даволашни тайинлаш учун кўрсатилган омиллар мажмуини аниқлаш лозим бўлиб, уларнинг ҳар бири зарур ҳисобланади. Шу билан бирга, ақли норасолик жиноят қонунида кўзда тутилган айбни ва жиноий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолат ҳисобланади ва шу туфайли ақли норасо шахслар томонидан содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракат (ҳаракатсизлик) жиноят ҳисобланмайди. Содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ижтимоий муносабатларга жиноят қонуни билан тақиқланган зарар етишида намоён бўлади<sup>1</sup>. Бир қатор олимлар ақли норасо шахснинг қилмиши жиноят-ҳуқуқий квалификация<sup>2</sup> объекти бўла олмайди, деб таъкидлашади.

Бошқа гуруҳ олимлар эса, малакалашни кенг маънода (зарурий мудофаа, охирги зарурат, ақли норасо қилмиши ва ҳ-к.) тушунишни таклиф қиладилар<sup>3</sup>.

Бунда терговчи ҳам, судья ҳам жиноят қонуни билан тақиқланган қилмиш содир этилганми, деган саволга жавоб топиши лозим бўлади. Бундай баҳолашнинг зарурияти жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик нормаларидан келиб чиқади. Албатга, бу ҳолатда ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмишини ҳуқуқий баҳолаш жиноятни малакалашдан фарқ қилишини ҳам инобатга олиш лозим.

Иккинчи омил (ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий касалликнинг ёҳуд жазони тайинлаш ёки ижро этиш имкониятини рад қилувчи руҳий касалликнинг мавжудлиги) суд-психиатрия экспертизаси хулосаси ёрдамида аниқланади, зеро, бунинг учун тиббиёт соҳасида махсус билим талаб қилинади. Руҳий касаллик деганда эса, сурункали ёки вақтинчалик

---

<sup>1</sup> Колмаков П.А. Проблемы правовой регуляции принудительных мер медицинского характера: Автореф. дисс.... д-ра юрид. наук. - СПб., 2000. - С. 17.

<sup>2</sup> Ражабова М. Қилмишни малакалаш: назарий ва амалий масалалар // Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истикбол. - Тошкент: Юрист-медиа маркази, 2009. - Б. 368-379.

<sup>3</sup> Куринов Б.Я. Научные основы квалификации преступлений. - М., 1978. - С. 116-117.

рухий бузилиш, ақли заифлик ёки руҳиятнинг бошқача бузилиши ҳолати тушунилади.

Учинчи омилнинг (ўзи ёки атрофдагилар учун хавф туғдириши ёки бошқача жиддий зарар етказиши эҳтимолининг) белгиланиши зарурияти тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари барча жинойт қонунида санаб ўтилган тоифа шахсларга нисбатан фақатгина рухий бузилиш ўзи ёки атрофдагилар учун хавф туғдириши ёки бошқача жиддий зарар етказиши эҳтимолини туғдириши билан боғлиқ. Бунда “бошқача жиддий зарар етказиши” деганда мулкни нобуд қилиш, уйга ўт қўйиш, ҳаётдан маҳрум қилишни тушуниш таклиф қилинган.

Бу баҳоловчи белги бўлиб, қонунда бошқа жиддий зарар тушунчаси аниқ тавсифланмаган бўлиб, бу уни суд-тергов амалиётида қўллашни қийинлаштиради. “Бошқача жиддий зарар етказиш”га хавола қилишда суд ўз қарори билан бу айнан қандай ҳолат эканлигини очиқ бериши лозим. Р.М.Шагеевнинг фикрича, зарар етказиш ҳар қандай ҳолатда ҳам атрофдагилар ёки шахснинг ўзи учун хавф туғдиради ва қонун чиқарувчи томонидан ушбу белгининг алоҳида кўрсатилишига эҳтиёж йук<sup>1</sup>.

Қонунчиликда “рухий ҳолатига кўра”, “рухий хасталиги туфайли” қабилидаги ибораларнинг қўлланилиши сабабли, айрим ҳуқуқшунос олимлар жинойт қонуни “тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини танлашда содир этилган қилмишнинг оғирлик даражаси ва хусусиятини ҳисобга олишдан чекинган ҳамда фақатгина шахснинг рухий бузилиши хусусияти ва унинг рухий ҳолатига эътибор қаратиш билан чекланган”, “қонуннинг ижтимоий хавфлилик қоидаси ҳуқуқни қўлловчини шахснинг ижтимоий хавфлилигини тиббиёт кўрсаткичларидан келиб чиқиб баҳолашга йўналтиради”<sup>2</sup> деб ёзадилар. Шу билан бир қаторда шахснинг хавфлилиги, унга бошқача зарар етказиш эҳтимоли ҳам унинг рухий ҳолати, касалликнинг ривожланиши,

<sup>1</sup>Шагеева Р.М. Принудительные меры медицинского характера: уголовно-правовые и уголовно-процессуальные основания применения // Материалы Всероссийской научно-практической конференции, посвященной 95-летию Башкирского государственного университета. Часть 1. –Уфа: РИО БашГУ, 2004.

<sup>2</sup> Курс российского уголовного права. Общая часть / Под ред. В.Н.Кудрявцева, А.В.Наумова. - М., 2001. - С. 738.

унинг ташхиси, клиник кўрсаткичлар билан ҳам содир этилган хавфли қилмишнинг хусусиятлари, уларнинг такрорийлик даражаси, яъни ижтимоий тартиб кўрсаткичлари билан белгиланади.

Зеро, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш амалиётида деярли руҳий кўрсаткичларга таянилиши судлар томонидан фақатгина суд-психиатрия экспертиза хулосаларига асосланишига сабаб бўлмоқда.

Ваҳоланки, аслида суд органлари томонидан ушбу суд-психиатрия экспертиза хулосаларига ҳам баҳо берилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда нафақат тиббий, балки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам инобатга олинishi лозим деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, А.Н.Батановнинг фикрича, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ва унинг аниқ турини танлаш асоси сифатида шахснинг ижтимоий хавфлилиги тан олиниб, у бир қатор мезонлар, хусусан - унинг содир этган қилмишининг хавфлилиги ва хусусияти, ақли норасо шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, руҳий бузилишнинг хусусияти ва даражаси билан асосланади<sup>1</sup>.

Фикримизча, комплекс ёндашув тарафдорлари<sup>2</sup> фикрига қўшилган ҳолда қуйидаги омиллар мажмуи тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асоси бўлади деб ҳисоблаймиз:

1) шахс томонидан жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноятни ақли норасолик ҳолатида содир этилиши;

2) жиноят содир этган шахсда унга нисбатан жазо тайинлаш ёки уни ижро этиш имкониятини бермайдиган руҳий касалликнинг мавжуд бўлиши;

3) ушбу шахс томонидан ўзига ёки бошқа шахслар учун сезиларли зарар етказиши имкониятининг мавжудлиги.

---

<sup>1</sup> Батанов А.Н. Принудительные меры медицинского характера: история, теория, законодательное регулирование и практика применения: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. - Ульяновск, 2004. - С. 9.

<sup>2</sup> Зелинская Н.А. Принудительные меры медицинского характера // Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Под.ред. А.И.Рарога. -М., 2001. -С.493-494, 498.

Бундан ташқари, адабиётларда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг бир қатор омиллари мажмуи кўрсатилади:

1) шахс томонидан жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноятнинг содир этилганлиги факти;

2) уни содир этган шахснинг руҳий касаллиги алкоголизм ёки гиёҳвандликка чалинганлиги;

3) ушбу шахснинг ўзига ёки атрофдагиларга хавф туғдириши сабабли даволаш зарурияти<sup>1</sup>.

Юқоридагиларга асосан, жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, ушбу руҳий касаллик оғир ва қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этиб, психиатрия ёрдамани жазони ижро этиш муассасаси доирасида кўрсатишнинг имкони бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг тури жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигига мутаносиб бўлиши лозим.

Жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг асослари сифатида қуйидаги элементлар мажмуини кайд этиш мумкин:

- жиноят содир этилиши; жиноят содир этгандан кейин келиб чиққан шахсдаги руҳий бузилиш ва шахс ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олиши ёки уларни бошқаришини истисно этиши;

- руҳий касал шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга жиддий зарар ёки бошқача хавф туғдириши эҳтимоли билан асосланадиган ижтимоий хавфлилиги.

Айтиш жоизки, Жиноят кодексининг 67-моддаси фақат жиноят содир этиш пайтида ақли расо бўлиб, ушбу жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов олиб бориш ёки ишни судда кўриш вақтида ақли норасо бўлган шахсларга нисбатангина татбиқ этилади. Ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш вақтида ақли норасо бўлган шахснинг қилмиши

---

<sup>1</sup>Сверчков В. Принудительные меры медицинского характера // Законность. –Москва, 2000. - №7.

жиноят ҳисобланмаганлиги туфайли уларга нисбатан ЖК 67-моддасининг коидалари қўлланмайди, балки ЖК 18-моддасининг учинчи қисми коидалари асосида тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланиши мумкин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 181-моддаси асосида тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланади.

Табиики, амалиётда хатоликка йўл қўймаслик учун тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш асослари тушунчасини талқин қилиш ушбу институтнинг бошқа тушунчалар сингари аниқ, ягона ҳамда қонун мазмунига қатъий мувофиқ бўлишини таъминлайди.

Шахсининг ўзи ва бошқалар учун хавфлилиги тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллашнинг зарурий таркибий асоси сифатида ҳуқуқшунос олимлар ва руҳшунослар илмий изланишлари натижаси бўлиб, тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш мақсадларига мос келади. “Ўзи ва бошқа шахслар учун хавфлилиги” тушунчасининг аниқ ва қатъий тавсифи бирор бир қонунчилик ҳужжатида келтирилмаган. Назаримизда, ушбу ҳолат руҳий патологиянинг (жуда хилма-хил хусусиятга эга бўлган) аниқ у ёки бу шаклидан муҳофазалашга қаратилган хавфнинг ягона талқинини қатъий бериш имконининг йўқлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорида кўрсатилганидек, Қонунга кўра (ЖК 2-моддаси иккинчи қисми), тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари бошқа тарздаги жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси сифатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ва руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан давлат мажбурияти кўриниши ҳисобланади. Бундай чоралар фақат шахс у томонидан содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ўзининг касаллик ҳолатига кўра жамият учун хавфли бўлган ҳоллардагина қўлланилади. Шахс жамият учун хавфлими ва у тиббий

йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишига муҳтожми деган масала суд-психиатрия экспертизаси хулосаси инобатга олинган ҳолда ҳал қилинади.

Руҳий касаллик аломатлари бўлган субъект томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги қилмишнинг хусусияти, уни содир этиш усули, бу жараёнда фойдаланилган воситаси, қуроли билан тавсифланади. Руҳий касалнинг ижтимоий хавфлилиги масаласи суд-психиатрия адабиётларида етарлича муфассал ишлаб чиқилган бўлиб, унда руҳий касалнинг эҳтимолий хавфлилигини икки кўрсаткич бўйича баҳолаш таклиф этилади: руҳий ҳолати ҳамда содир этилган қилмиш хусусияти бўйича.

Шу билан бирга, уларнинг турлича муносабатларининг ҳар хил йуллари ҳам ишлаб чиқилади. С.Н.Шишков мазкур вазиятда ижтимоий хавфлиликни “руҳий касал томонидан янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш таваккалчилиги (юқори даражадаги эҳтимоллик) уни содир этиш эҳтимоли қанчалик юқори бўлса, кўзда тутилаётган қилмиш қанчалик оғирроқ бўлса, касалнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам шунча юқори бўлади”, - деб таъкидлайди.

Бу бироз баҳсли масала ҳисобланади, чунки бир ҳолатда руҳий касал, гарчанд оғир жиноят содир этган бўлсада, касаллиги туфайли ижтимоий хавфли қилмишни такроран содир этишга қодир бўлмай қолиши мумкин, бошқа ҳолларда эса, касалда қилмишнинг оғирлик даражаси катта бўлмасада, касалликнинг клиник кўринишлари юқори ижтимоий хавф келтириб чиқариши ва ижтимоий хавфли қилмишни такроран содир этилишига олиб келиши мумкин.

Ижтимоий хавфлилик *ҳуқуқий* ва *тиббий* мезонлар билан тавсифланади.

Ҳуқуқий мезонлар содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг оғирлигини, руҳий касални уни содир этиш олдидан ва кейинги ҳулк-атворини, шахснинг ижтимоий-руҳий хусусиятларини ва бошқаларни қамраб олади.



Тиббий мезонлар руҳий касалликнинг клиник шакли, унинг чуқурлиги ва мураккаблиги, унинг ўтиши динамикаси ва бошқалар билан тавсифланади.

Руҳий касалнинг ижтимоий хавфлилигини аниқлашда клиник-психопатологик хусусиятлар (хусусан, аниқ шахсларга қарши йўналтирилган ҳамда рашк, жинсий таъсир кўрсатиш билан таъқиб қилиш ғоялари ва аффектив ҳаяжонланиш билан кечадиган муайян мазмундаги ғоялар, агрессивлик билан кечадиган даврий психотик ҳолат ва бошқалар) ҳамда ижтимоий-психологик хусусиятлар (ижтимоий дезадаптация аломати, касалликка қадар жинсий ҳулкнинг мавжудлиги, асоциал таъсирга мойиллиги) ҳам эътиборга олинади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ижтимоий-ҳуқуқий табиати мураккаб ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳар бир ҳолатда синчковлик билан баҳо берилиши ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг келгусидаги даволаш усулини танлаш учун ҳам асос вазифасини ўтайди.

Шу ўринда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари масаласига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорида қайд этилишича, Жиноят кодексининг 93,94-моддаларига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қуйидаги турларда тайинланиши мумкин:

- 1) психиатр ҳузурида мажбурий амбулатория кузатуви ва даволаш касаллик зўрайганлигидан далолат берувчи аломатлар бўлмаган руҳий касаллар, шунингдек руҳий ҳолати вақтинча бузилган шахсларга нисбатан;
- 2) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаш – ижтимоий хавфлилиги даволаш талаб этиладиган руҳий ҳолати

билан боғлиқ рухий касалларга нисбатан, агар даволаш умумий асосларда ўтказилиши мумкин бўлса;

3) умумий тартибли рухий касалликлар шифохонасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаш – ижтимоий хавфлилиги кўпроқ реабилитация чоралари ўтказилишини талаб этадиган ҳолат билан боғлиқ рухий касалларга нисбатан, агар уларни ихтиёрий тартибда ўтказиш имконияти бўлмаса;

4) кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонаси (бўлими)да мажбурий даволаш – ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ҳулқида бузилиш аниқланган рухий касалларга нисбатан, агар зарурий даволаш ва реабилитация чораларини умумий тартибли рухий касалликлар шифохонасида ўтказиш имконияти бўлмаса.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари турини белгилашда ҳар доим шахснинг рухий ҳолати (рухий бузилиш хусусияти) ва у томонидан кейинчалик ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши эҳтимоли асосий мезон ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланишича, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ва суд томонидан ақли норасо, деб топилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари бемор шахсга ҳукм эълон қилингунга қадар ёки белгиланган жазони ўтаётган вақтда ёки озодликда қолдирилган вақтда унинг ҳаракатлари атрофидагиларга хавф туғдирши мумкин бўлса, қўлланилади.

Бу борада, М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, “фақатгина рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдан мақсад мазкур шахсларни даволаш ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган янги ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олишдан иборат. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси шахсни даволаш

мақсадида қўлланилади. Бундай ҳолатда “руҳий касал” шахс Жиноий кодекснинг 92-моддасида белгиланган ҳаракатларни содир этган бўлиш лозим”.

Даволаш деганда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахснинг ижтимоий ҳаётга мослашуви, унинг руҳиятини ўзгартириш мақсадида қўлланиладиган таъсир чораси тушунилади. Бундай усулдаги даволаш, шахснинг тўлиқ тузалишини мақсад қилиб қўймасда, аммо шахсни жамият учун хавф туғдирмайдиган даражада руҳий жиҳатдан тузатишга қаратилади.

Тиббий мажбурлов чораси асосида даволаш усуллари, бундай таъсир чораси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шу йўсинда даволанаётган шахсларга нисбатан қўлланилаётган чораларга ўхшаш ҳолда амалга оширилади, яъни касалларни даволаш усуллари бошқа турдаги касалларни даволаш жараёнидан фарқ қилмайди.

Руҳий касалларни даволаш жараёнида жарроҳлик ёки ўлим даражасига олиб келадиган тажриба усулларида фойдаланиш ман этилади.

Бу тўғрида олимлар фикри турлича, масалан К.Ф.Громовнинг фикрича, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўз табиатига кўра давлат мажбурлов чораси бўлиб, жиноят, жиноят-процессуал қонунларида кўзда тутилган тартибда фақатгина суд томонидан тайинланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари бемор атрофдагилар учун хавфлилик хусусиятини йўқотмагунга қадар қўлланади, гарчанд бундан сўнг, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тўхтатилиши лозим бўлсада, айрим ҳолларда ихтиёрийлик ва розилик асосида руҳий касал беморни ижтимоий реабилитация қилишга йўналтирилган даволаш, психотерапевтик ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳам мумкин. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари касални ижтимоий реабилитация қилиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлган воситаларга эга эмас, десак хато бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилганимизда, шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этган вақтида сурункали руҳий касаллиги, руҳий

ҳолати вақтинчалик бузилганлиги, ақли заифлиги ва бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган бўлса, у ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топилади ва унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашга асос ҳисобланади.

Бундан ташқари, жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган ёки алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки захарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан жазолаш билан бир қаторда, даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароитлар яратиш учун ҳам қўлланилади.

## **2.2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлашдаги мавжуд муаммолар таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра, жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалиниб қолган тақдирда унга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 67-моддасининг мазмунига кўра, жиноят содир қилиб ҳукм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалиниб қолган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш вақтида бундай шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни қўлланиши мумкин.

Бироқ, бундай шахслар кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Қонунда белгиланган умумий қоидага кўра, жиноят қонуни нормалари қўлланиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахс шароитининг ўзгарганлиги ёки айбдорнинг шахси ўзгарганлиги муносабати билан уни яна жиноий жавобгарликка тортиш қоидалари назарда тутилмаган.

Тўғри, агар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал нормалари асосида жиноят иши тўхтатилиб, ЖПК 61-бобида назарда тутилган қоидалари қўлланилган бўлса, жиноят ишини юритиш тикланади.

Агар ЖК 64-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш суднинг ҳуқуқи эмас, балки мажбуриятидир.

Аммо, кодекс 67-моддасининг 3-қисмида “Бундай шахс ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жавобгарликка тортилади”, - дейилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, иш ЖПК қоидалари асосида тўхтатилган бўлса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланган шахс тузалса, иш яна тикланиб ЖПК қоидалари асосидаги ҳаракатлар қилинади.

ЖК қоидалари асосида жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар агар янги ҳолатлар аниқланмаган бўлса, яна жиноий жавобгарликка тортилмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддасига кўра, жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари жиноят содир этилган кундан бошланади. Аммо ЖК 67-моддаси асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади. Бундай ҳолат бошқа худди шундай жиноят содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланган шахснинг аҳволини маълум даражада оғирлаштиради.

Чунки, жавобагарликка тортиш муддатларини 67-моддада белгиланган тартибда ҳисоблаш, аввало, ЖК 64-моддаси талабларига хилоф бўлса, иккинчи томондан, жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини сунъий равишда узайтириб юборади. Агар шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш тўғрисидаги қароргача унинг руҳий касалликка чалинганлиги тўғрисидаги хулоса нотўғри деб топилган тақдирда жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 46-моддасига кўра, ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан тайинланмайди. Шунга кўра, ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилинган юқорида айтилган шахслар ҳукм қилинганидан кейин ёки жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар жазодан озод қилинадилар. Бундай шахсларда жазони ижро этиш муддати ёки жазони ўташ муддати тугамасдан меҳнат қобилияти тикланса (ҳомиласи тушиши, ёш боланинг ўлиб қолиши ёки ёш боласининг қонунда белгиланган ёшга етиши муносабати билан ёхуд меҳнат қобилиятини

йўқотганларида) меҳнат қобилияти тиклангани муносабати билан жазони ўташ тўғрисида ажрим чиқариш мумкинми, деган савол туғилади.

Қонунда бу ҳақида ҳуқуқий асослар мавжуд эмас. Шунга кўра, уларга ҳеч қандай шарт қўйилмай жазодан бутунлай озод қилинади. Аммо руҳий касалликка чалиниб суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс ЎзР ЖКнинг 69-моддасида (жазони ижро этиш муддатлари) назарда тутилган муддатлар ўтмасдан ёки жазо муддати тугамасдан тузалсалар жазо ижро этилади. Бундай ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси муддати жазо муддатига қўшиб ҳисобланиши керак. Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар уларнинг соғлиги ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Бунда озод қилинаётган ҳарбий хизматчининг ҳуқуқини чекловчи ёки мажбурият юкловчи чеклашларсиз жазодан тўла озод қилинади.

ЖКнинг 75-моддасига биноан жазодан озод қилишда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси, содир этилган жиноятнинг тури, маҳкум шахсининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳисобга олиш ёки олмаслиқ назарда тутилмаган. Аммо ЎзР ЖПК 534-моддасининг тўртинчи қисмида руҳий касалликка дучор бўлган шахслардан ташқари, оғир касалликка дучор бўлган шахсларни ўталмай қолган жазодан озод қилиш масаласини ҳал қилишда судья содир этилган жиноятнинг оғирлиги, маҳкумнинг шахсини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олади дейилган. Маҳкумни ўталмай қолган жазодан касаллиги туфайли озод қилганда судья уни фақат асосий жазодан эмас, балки қўшимча жазо чорасидан ҳам озод қилишга ҳақли ва бу ҳақда ажримда кўрсатади.

Шахсининг I ёки II гуруҳ ногиронлигининг ўзи уни озодликдан маҳрум қилиш жазосидан озод қилиш учун асос бўла олмайди. Маҳкумнинг оғир касаллиги жазони ўташга тўсқинлик қиладиган даражада бўлиши керак. Бу масала тиббий комиссиянинг хулосасига асосланиб ҳал қилинади.

ЎзР ЖКнинг 67-моддаси фақат жиноят содир этиш пайтида ақли расо бўлиб, ушбу жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов олиб бориш ёки ишни судда кўриш вақтида ақли норасо бўлган шахсларга нисбатангина тадбиқ этилади. Ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш вақтида ақли норасо бўлган шахснинг қилмиши жиноят ҳисобланмаганлиги туфайли уларга нисбатан ЖК 67-моддасининг қоидаларини қўллаб жиноий жавобгарликдан озод қилиш қоидалари қўлланмайди, балки ЖК 18-моддасининг учинчи қисми қоидалари асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин. Ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 181-моддасида назарда тутилган қоидалари асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланади.

Демак, ЎзР ЖКнинг 67-моддаси фақат жиноят содир қилиш пайтида ақли расо бўлиб, ушбу жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва ишни судда кўриш, яъни ҳукм чиқирилгунга қадар руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатангина қўлланади.

Қонунда руҳий касалликлардан бошқа турдаги касалликка чалинган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилмаган. Агарда жиноят содир қилган шахс руҳий касалликдан бошқа оғир касалликка чалиниб қолса, жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи қўлланмайди.

Шу билан бирга, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш масалалари нафақат миллий, балки халқаро ҳужжатларда ҳам алоҳида эътибор қаратилган масалалардан бири ҳисобланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш” деб номланган 95-моддасида тартибга солинган. Унга кўра, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш масаласини руҳий касалликлар шифокорлари



комиссиясининг хулосасига асосланган ҳолда суд ҳал қилади. Агар рухий касалга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўллаш зарурати бўлмаса, шунингдек бу чоралар бекор қилинган бўлса, суд уни умумий асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасаларига юбориш масаласини ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш ўзида аввал тайинланган мажбурий даволаш турини кейинчалик қўлланишини ифодалайди.

Мажбурлов чоралари муддатини узайтириш аниқ мажбурий даволашнинг тайинланиши учун асос бўлган шахснинг физик ва психик ҳолати ўзгармасдан қолса ёки унинг ўзгариши сезиларсиз ўтаётган бўлса, амалга оширилади<sup>1</sup>.

С.П.Щерба ҳақли равишда таъкидлаганидек, “тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома шахснинг соғайганлигидан ёки субъект аҳволининг ижтимоий хавфлилигини бартараф қилувчи даражада ўзгарганлигидан далолат берувчи материалларга асосланиши лозим. Ушбу материаллар психиатрия муассасаси шифокорлар комиссиясининг шахснинг соғайганлиги ёки саломатлиги ҳолати яхшиланганлиги тўғрисидаги тиббий хулосаси бўлиши мумкин”<sup>2</sup>.

ЎзР ЖК 95-моддасида мажбурий даволаниш қўллаш объекти сифатида “рухий ҳолати бузилган шахс” тушунчаси қўлланилади, ЎзР ЖПК 580-моддасида эса, ушбу тушунча “мажбурлов чораси тайинланган шахс” сифатида белгиланган.

Бизнингча, бундай шахсларга нисбатан сўнгги ёндашув маъқул, чунки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари кенгроқ бўлиб, улар рухий касаллар билан бир қаторда ЎзР ЖК 91-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган

<sup>1</sup>Рустамбаев М.Х. Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. -Тошкент: Илм-зиё, 2008. - Б. 1143-1144.

<sup>2</sup>Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. Под ред. А.Я.Сухарева. - М.: Издательство НОРМА, 2002. - С. 749.

алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Суд жазолаш билан бир қаторда алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга нисбатан - даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароит яратиш учун тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини тайинлаши мумкин.

Жумладан, 2010 йил 6 декабрда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди томонидан фуқаро Ф. спиртли ичимлик истеъмол қилиб олган акиси фуқаро М. билан жанжаллашиб қолиб, пичоқ билан М.нинг қорин қисмига уриб, “оғир” тан жароҳати етказган.

Суд-психиатрия экспертизасининг хулосасига кўра, фуқаро Ф. юқорида қайд этилган ижтимоий хавфли ҳаракат содир этган пайтда руҳий касаллиги сабабли, ўзи содир этган ҳаракатига жавоб бера олмайдиган ва ўзини ўзи бошқара олмайдиган ҳолатда бўлганлиги аниқланган.

Суд томонидан чиқарилган ажримга кўра, фуқаро Ф. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноятни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топилган ва унга тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўлланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят содир этган шахсда ҳукм чиқарилгунига қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатнинг бузилиши юзага келган бўлсада, кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалган бўлса, жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Бироқ, шахснинг тиббий муассасада бўлган вақт жазони ўталган қисмига қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги нормалар мавжуд эмас.

Фикримизча, бу кодекснинг инсонпарварлик принципига зид

---

<sup>1</sup>Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди архивидан, 2011 йил.

ҳисобланади.

Чунки, шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг айрим турлари қўлланилгандан сўнг, унинг ҳуқуқлари маълум миқдорда чекланади.

Шу сабабли, шахс тиббий муассасада мажбурий даволанган вақт жазони ўталган қисмига қўшилган ҳолда ҳисобланиши лозим.

Бундан ташқари, амалдаги жиноят қонунчилигимизда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари фақатгина руҳий ҳолати бузилган, алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик (оив инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасида ОИВни юқтириб олганлар бепул махсус даволаниши лозимлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирининг 18.07.2019 йилдаги 89-сонли буйруғига илова сифатида 18 ва ундан катта ёшдаги сил ва онкология касаллигига чалинган беморлар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатида кўра, бир қатор касаллик турлари берилган.

Юқоридагиларга кўра, фикримизча ОИВ ва сил касалликларига чалинган шахсларга нисбатан ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суднинг ҳукмига асосан шахсга жазо тайинлаш билан бирга амалга оширилиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юқоридаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш муаммоларини инсон ҳуқуқ ва эрукинликлари ва кодекс принциплари асосида қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **3-БОБ. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш борасидаги хорижий амалиёт**

Илмий қиёслаш ёрдамида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ишлар билан боғлиқ турли воқеликлар ҳамда тартибларда ижобий ва салбий томонларни аниқлаш ва уларга тўғри баҳо бериш мақсадида бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига назар ташлаш фойдадан холи эмас.

Бизнингча, улардаги жиноят қонунчилигида эҳтиёт чораларига бағишланган нормаларни ялписига эмас, фақат шахсни тиббий муассасага жойлаштиришнинг ўзига хослиги, кўпдан буён амалиётда тўқнаш келинаётган муаммоларга тўхталиб ўтиш лозим.

Аксарият хорижий давлатларининг жиноят қонунчилигида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига одатда **“хавфсизлик чоралари”** сифатида қаралади. Жазодан фарқли ўлароқ, хавфсизлик чоралари кўрқитиш ёки рағбатлантириш мақсадларини назарда тутмайди, аксинча, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ёки содир этиш мумкин бўлган шахснинг **“хавфли ҳолатини”** бартараф қилишга хизмат қилади.

Хавфсизлик чоралари нафақат тиббий чораларни, балки жиноят содир этганларга нисбатан қўлланиладиган санкцияларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари алоҳида институт ҳисобланиб, бошқа жиноят-ҳуқуқий чоралардан ўз мақсадига кўра фарқ қилади.

Табиийки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари шахсни даволаш мақсадида қўлланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, **Францияда** тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари хавфсизлик чоралари сифатида қаралади. Бундай чоралар руҳий касаллиги туфайли ақли норасо деб топилган шахсларга ва

“хавфли” алкоғолизм, гиёҳвандлик ва захарвандликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилади<sup>1</sup>.

Уларнинг қўлланилиши ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахслар томонидан жиноий ҳаракатлар содир этилишини олдини олиш мақсадини кўзлайди.

Франция жиноят қонунига кўра, хавфсизлик чораларининг турларини танлаш шахснинг ўзи ва жамият учун хавфлилик даражасига боғлиқ ҳолда қўлланилади.

Масалан, шахс руҳий касал деб топилганида тиббий хулоса билан уни касалхонага жойлаштириш фақат суд томонидан эмас балки маъмурий органлар (ички ишлар вазирлиги, префект ва бошқалар) томонидан ҳам қўлланилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни бўйича ижтимоий хавфли қилмишни содир этган, ўзи ёки жамият учун хавфли бўлган, ақли норасо шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари маъмурий бошқарув органлари томонидан қўлланилиши мумкин эмас. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни бўйича ушбу ваколат суд органларига берилган.

Бизнингча, шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ бўлган бундай мажбурлов чоралари фақатгина суд томонидан қўлланилиши давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги сиёсатининг демократиклигини кўрсатади.

Бундан ташқари, **Швейцария** жиноят қонунида ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари институти мавжуд, аммо у мамлакатимиз жиноят қонунида кўрсатилганидек алоҳида бобда эмас, балки “жазо, хавфсизлик чоралари ва бошқа чоралар”, деб номланган бўлимда берилган иккита моддадан иборат бўлиб, руҳий касалларга нисбатан мажбурлов чораларини

---

<sup>1</sup>Новий Уголовний кодекс Франции. – М.1993-С. 41

<sup>2</sup>Преступление и исказание в Англии, США, Франции, ФРГ, Японии. Общая част уголовного право. – М. 1991 –С. 81.

қўллаш ва алкоголизм ёки гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилувчи шахсларни даволаш назарда тутилган.

Швейцария ЖКнинг 43-моддасига мувофиқ суд озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланиши назарда тутилган қилмишни содир этган руҳий касал шахсни даволаш муассасасига жойлаштириш ҳақида қарор чиқариши мумкин. Шунингдек, суд шахснинг руҳий ҳолатини ва тиббий муассаса томонидан кузатув олиб борадиган шароитни инобатга олиши назарда тутилган. Ушбу чоранинг мақсади бундай шахслар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмишларнинг содир этилишининг олдини олиш ёки бундай хавфни камайтириш ҳисобланади<sup>1</sup>.

Тиббий йўсиндаги чораларни амалга ошириш тартиби руҳий касалнинг ижтимоий хавфлилиги билан белгиланади. Агар бемор жамият учун хавфли бўлмаса, суд уни амбулаторияда даволаш, жамият учун хавфли бўлса, махсус муассасага жойлаштириш ҳақида қарор чиқариши мумкин. Амбулатор тартибда даволашда мақсадга эришилмаса, яъни, бемор жамият учун хавфли бўлса, шахс суднинг қарорига кўра махсус муассасага жойлаштирилади. Даволанаётган руҳий ҳолати бузилганларнинг жазони ўташи кечиктирилиши мумкин.

Бемор тузалганидан сўнг судья даволовчи шифокор билан суҳбатлашиб, кечиктирилган жазони ўташни давом эттириши ҳақида қарор чиқаради.

Агарда жазони ўташ қўлланилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари натижаси шахснинг соғлиғига хавф соладиган бўлса, судья жазони ўташни бекор қилиб, унга нисбатан кузатув ўрнатиши ёки бошқа хавфсизлик чораларини қўллаши мумкин.

Бундан англаш мумкинки, Швейцарияда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асосларига кўпроқ ҳуқуқий жиҳатдан ёндашилган.

---

<sup>1</sup>Уголовнинг кодекс Швейцарии/ Под ред А.В.Серебниковой –СПб, 2002-С. 91-100

Жумладан, озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилмаган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилмайди.

Фикримизча, бундай ёндашув бирмунча, салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Жумладан, ижтимоий хавфлилиги паст бўлган қилмишни содир этган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг қўлланилмаслиги, келгусида, ушбу шахс томонидан янгидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишига олиб келиши мумкин.

**Германия Федерациясининг** Жиноят кодексида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо тайинланиши назарда тутилган жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган хавфсизлик чоралари рўйхатида рухий ҳолатини тузатиш ва рухий касалхонага жойлаштириш ҳамда алкоголизм, гиёҳвандликка чалинган шахсларни даволаш муассасасига жойлаштириш каби чоралар назарда тутилган.

Германия жиноят қонуни бўйича шахсни рухий касалликлар шифохонасига жойлаштириш учун қуйидаги асослар бўлиши лозим:

а) ақли норасо ёки “қисман ақли норасолик” ҳолатида ғайриқонуний ҳаракат (жиноят ёки ҳуқуқбузарлик)нинг содир этилганлиги;

б) шахс ва унинг ҳаракатлари натижасида жиддий оқибат келиб чиққанлиги ва шу боис унинг жамият учун хавфли деб топилганлиги.

Юқоридагилардан ташқари, гиёҳвандлик ёки алкоголизмга чалинган шахсларни стационар муассасага жойлаштириш учун:

а) спиртли ичимликлар ёки бошқа алкоголь воситаларни ичишга хаддан ташқари мойиллик;

б) ғайриқонуний ҳаракати учун судланган ёки ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этганлиги учун судланмаган;

в) бундай мойиллик натижасида шахсинг келажакда жиддий ғайриқонуний ҳаракатлар содир этиши хавфи мавжуд бўлиши керак<sup>1</sup>.

Юқоридагилар асосида хулоса қилинганда, Германия Федерациясида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асосларига ҳам ҳуқуқий ҳам тиббий нуқтаи назаридан ёндашилганлигини кўриш мумкин.

Бу эса, шахсга нисбатан тўғри таъсир чоралари турларини танлаш ва шу орқали унинг жамият учун “хавфлилик” даражасини камайтириш имконини беради.

**Америка Қўшма Штатлари**да эса, аксинча, “хавфсизлик чоралари”ни қўллаш содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига эмас, балки жиноятни содир этган шахсинг руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлади.

Ушбу чоралар ўз моҳияти (муайян штат қонуни)га кўра дефектив ҳуқуқбузарликларни жамиятдан ажратиб қўйиш; алкоголизмга чалинганларни мажбурий даволаш; гиёҳвандларни ижтимоий тарбиялаш орқали амалга оширилади, яъни, АҚШ жиноят қонунида ушбу чораларнинг умумэтироф этилган тушунчаси берилмаган.

Шу сабабли, хавфсизлик чораларини қўллаш тизими штатларнинг жиноят қонунларида кўрсатилган, лекин ушбу институтни тартибга солувчи алоҳида жиноят-ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас.

Ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШда “дефектив ҳуқуқбузарликлар”ни превентив ажратиб қўйиш каби “хавфсизлик чоралари” кенг тарқалган, масалан, Мэриленд штати қонунчилигига мувофиқ бундай шахслар қаторига жиноят қонунида таъқиқланган ҳаракатларни содир этишга мойил ва ақли норасо ёки эмоционал беқарор, жамият учун хавф туғдириши мумкин бўлган ва шу боис жамиятдан ажратиб қўйилиши лозим бўлган шахслар киради<sup>2</sup>.

Дефектив ҳуқуқбузарликларни жамиятдан ажратиб қўйиш шахс қонунга ҳилоф қилмишни ақли норасолик ёки қисман ақли норасолик ҳолатида содир этганлигидан қатъий назар амалга оширилади ёки шахсга

---

<sup>1</sup>Крмлова Н.Е., Серебреиникова А.В. Уголовное право современных зарубежных стран (Англия, США, Франция, Германия). М., 1998. С.171-175.

<sup>2</sup>Нерсесян А.А. Вопросы наказуемости в уголовном праве ФРГ и США. –М., 1992. –С.196-199.



тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари билан бирга жиноий жазо ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу шахслар жиноят қонунида кўрсатилган махсус даволаш муассасаларида тўлиқ даволангунга қадар ёки жамият учун хавфлилиги йўқолгунга қадар сақланади.

АҚШда жинсий эркинликларга қарши жиноятлар содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади. Қонунга мувофиқ ушбу шахслар “жинсий жиноятчи-психопатлар” ёки “сексуал нуқтаи назардан хавфли” деб қаралади.

Жинсий майли бузилган шахс деганда жинсий жиноятлар содир этишга мойил бўлган руҳий ҳолати бузилганлар тушунилади. АҚШда бундан шахсларни даволаш учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари медицинали даволаш, психотерапия, гипноз ва бошқа усуллар орқали амалга оширилади. АҚШ суд амалиётида кўпинча руҳий ҳолати бузилган, жинсий зўравонликка мойил шахслар превентив<sup>1</sup> (превенция-олдини олиш) равишда жамиятдан ажратиб қўйилади.

Шунинг билан бирга, АҚШ қонунида сексуал психиопат шахсларни кастрация қилиш (ахталаш) каби хавфсизлик чораси ҳам назарда тутилган. Бундай усул ушбу турдаги жиноятлар рецидивининг олдини олишга энг фойдали, деб ҳисобланади.

Албатта, юқоридаги мажбурлов чоралари мамлакат фуқароларининг руҳий ва психиологик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Ҳозирда, АҚШ амалиётида жарроҳлик ва кимёвий кастрация қўлланилмоқда. Кастрация жарроҳлик операцияси йўли билан (масалан Техас штати) турма қамоғи ўрнига қўлланилиши мумкин. Ушбу чора жинсий жиноят содир этган шахснинг илтимоси ёки унинг розилиги билан амалга оширилади<sup>2</sup>. АҚШнинг “Гиёҳвандларни ижтимоий тарбиялаш” (1966 йил 8 октябрда қабул қилинган) қонунига мувофиқ гиёҳвандликка чалинган шахслар ва гиёҳванд воситасини истеъмол қилган ҳолда зўрлик ишлатиб,

<sup>1</sup>Словарь иностранных слов. –М., Русский язык, 1989. –С.406.

<sup>2</sup>Малиновский А.А. Сравнительное проведение в сфере уголовного права. –М.,2003. –С. 283

биринчи маротаба жиноят содир этганларга суд уларга жамиятдан изоляцияда бўлиш ва мажбурий даволаниш ёки жиний жавобгарликни танлашни таклиф қилади. Агар жиноятчи мажбурий равишда даволанишга рози бўлса, унда у даволаш муассасасининг ёпиқ турига жойлаштирилади ва жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилади, лекин мажбурий даволаш муддати 3 йилдан ошмаслиги керак.

Муваффақиятли даволаниш, яъни шахснинг тuzалганлиги жиноят ишининг бекор қилинишига асос бўлади.

Агарда шахс даволанишга рози бўлмаса, суд ишни бошидан бошлаб умумий тартибда кўриб чиқади, агар жиноят икки марта содир этилган бўлса, унга нисбатан 3 йилдан 10 йилгача муддатда мажбурий даволаш қўлланилади<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, АҚШ қонунчилигида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг яхлит тизими ўрнатилмаган бўлсада, ҳар бир штат қонунчилигида назарда тутилган.

Унинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш муддатлари ҳам назарда тутилган. Бу албатта, шахс ҳуқуқларини таъминлаш учун хизмат қилади.

**Польша** жиноят қонунига кўра “хавфсизлик чоралари” суд томонидан шахснинг руҳий ҳолати, ақли заифлиги, алкоголизм ёки бошқа инсон ақли-идрокига таъсир қилувчи моддалар таъсирида янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш учун ёпиқ турдаги муассасада сақлаш чораси қўлланилади<sup>2</sup>.

Шахс тиббий муассасага ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш ва бошқа қилмишни содир этиш хавфи мавжуд бўлганда жойлаштирилади.

---

<sup>1</sup>Малиновский А.А. Сравнительное проведение в сфере уголовного права. –М.,2003. –С. 284

<sup>2</sup>Уголовный кодекс. Польши/Под.ред. А.И.Лукашова, Н.Ф.Кузнецовой. –СПб.,2001. –С.92.

Польша жиноят қонунига кўра, тиббий муассасада даволаш муддати олдиндан белгиланмайди. Алкогол ёки бошқа маст қилувчи моддаларга қарам бўлган жиноят содир этган шахсларни даволаш ёпиқ турдаги муассасаларда амалга оширилади. Агар судланувчи икки йилдан ортиқ озодликдар маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган бўлса, унда нисбатан бундай даволаш қўлланилмайди.

Шунингдек, Польша ЖК 96-моддасида алкоголизм ва гиёҳвандларни ёпиқ муассасада даволаш уч ойдан ошмаслиги кўрсатилган<sup>1</sup>. Шахсни ушбу муассасадан озод қилиш даволовчи шифокорнинг фикри билан даволаниш натижаларига кўра суд томонидан амалга оширилади.

Польша жиноят қонунининг ўзига хос жиҳати шахсга синов муддати давомида даволаниш мажбуриятини юклаши мумкин. Синов муддати олти ойдан икки йилгача белгиланади. Агар судланувчи синов муддати давомида даволанишдан бош тортса, жиноят содир этса, даволаш муассасаси режимини бузса, суд шахсни ёпиқ турдаги муассасага даволаш учун жойлаштириш ҳақида қарор чиқариши мумкин<sup>2</sup>.

Юқоридагиларга кўра, Польша жиноят қонунчилигида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида белгиланганидай тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш муддатлари чекланмаганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, ушбу мамлакат қонунчилигида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асоси сифатида ҳуқуқий омил устунлик қилади. Яъни жиноят содир этган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш шахс содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ ҳисобланади.

**Беларус Республикаси** Жиноят кодексида ҳам “хавфсизлик чоралари” атамаси мавжуд бўлиб, қонуннинг IV бўлими “хавфсизлик ва даволашнинг

---

<sup>1</sup>Уголовный кодекс Польши. –С.94

<sup>2</sup>Малиновский А.А. Сравнительное проведение в сфере уголовного права. –М.,2003. –С. 285

мажбурлов чоралари”<sup>1</sup>, - деб номланади. Ушбу қонундаги хавфсизлик ва даволашнинг мажбурлов чораларини қўллашдан кўзланган мақсадга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Беларус Республикаси ЖК 100-моддасига мувофиқ, қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланиладиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг мақсади алоҳида кўрсатилган:

1) Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касаллар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш, уларни муҳофаза қилиш ва даволаш;

2) Қисман ақли норасо деб топилган, жиноят содир этган шахсларнинг даволанишини ташкил қилиш ва жиноий жавобгарликнинг мақсадига эришиш;

3) Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка чалинган жиноят содир этган шахсларни даволаш, жиноий жавобгарлик мақсадига эришиш учун шарт-шароитлар яратиш.

Юқоридагиларга асосан, Беларус жиноят қонунчилигида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жавобгарлик мақсадларига эришиш мақсадида қўлланилиши кўрсатилган.

Бизнингча, ушбу фикр назарий жиҳатдан мантиққа зид ҳисобланади. Чунки, бизга маълумки жиноий жавобгарлик бевосита давлатнинг жиноий таъқибни орқали амалга оширилади, бироқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий таъқибни назарда тутмайди.

Шу нуқтаи назардан, Беларус қонунчилигида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш жиноий жазонинг мақсади билан аралаштириб юборилган.

Бундан ташқари, ушбу мамлакат қонунчилигида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари нафақат шахс томонидан келгусида ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш мақсадида, балки шахснинг ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ҳам қўлланилади.

---

<sup>1</sup>Уголовный кодекс Республики Беларусь. –Минск, 1999. –С.288.

**Россия Федерацияси** Жиноят кодексига тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига таъриф берилмаган.

Россия Жиноят кодексининг 97-моддаси Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари деб номланиб, унга кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин:

а) мазкур Кодекснинг махсус қисмида назарда тутилган жиноятларни ақли норасолик ҳолатида содир этган шахслар;

б) жиноят содир этилганидан сўнг, жазо тайинлаш ёки жазони ижро этишни имконини чеклайдиган шахснинг руҳий касалликка чалиниши;

в) жиноят содир этган ва ақли расоликни истисно этмайдиган руҳий касалликка чалинганларга;

д) ижтимоий хавфлилигини йўқотган;

е) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс томонидан ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсларга нисбатан жинсий дахлсизликка қарши жиноят содир этилганда ва ақли расоликни истисно этмаган жинсий бузилиш (педофилия) аломатлари мавжуд бўлганда<sup>1</sup>.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ушбу шахслар томонидан зарар етказилиши эҳтимоли бўлганда, ўзлари ёки бошқа шахсларга хавф туғдирган ҳолларда қўлланилади.

Яъни, бундай шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши шахснинг тиббий ва руҳий ҳолатига боғлиқ ҳисобланади.

Кодексга мувофиқ, 97-модданинг “а”-“в” бандларида кўрсатилган ва руҳий ҳолати хавф туғдирмайдиган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ суд зарур материалларни соғлиқни сақлаш соҳасидаги федерал

---

<sup>1</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 11.06.2021), [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/)

ижроия органига ёки ушбу шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатадиган соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижро этувчи органга юбориши мумкин.

Кодекснинг 98-моддаси тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш мақсадлари деб номланган.

Унга кўра, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ушбу кодекс 97-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни даволаш ёки уларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш, шунингдек Кодекс махсус қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Россия Федерацияси ЖКнинг 99-моддасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг турлари кўрсатилган.

Унга кўра, суд томонидан қуйидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари турлари қўлланилиши мумкин:

а) амбулатория шароитида психиатр томонидан мажбурий кузатув ва даволаш;

б) умумий турдаги стационар шароитда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббий муассасада мажбурий даволаш;

в) ихтисослаштирилган турдаги стационар шароитда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббий муассасада мажбурий даволаш;

д) интенсив назорат остида ихтисослаштирилган стационар шароитда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббий муассасада мажбурий даволаш.

Ақли расо ҳолатда содир қилинган, бироқ ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий касалларни даволашга муҳтож бўлган жиноятлар учун судланган шахслар, шу жумладан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс томонидан ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсларга нисбатан жинсий дахлсизликка қарши жиноят содир этган ва ақли расоликни истисно этмаган жинсий бузилиш аломатлари мавжуд бўлган шахсларга нисбатан суд жазо билан бирга амбулатория шароитида психиатр томонидан мажбурий кузатув ва даволаш шаклидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин.

РФ Жиноят кодексига тиббий йўсиндаги мажбурият чораларининг турлари алоҳида моддаларда таърифланган.

Жумладан, кодекснинг 100-моддасида амбулатория шароитида психиатр томонидан мажбурий кузатув ва даволаш Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, унинг руҳий ҳолати сабабли шахсни тиббий муассасага жойлаштириб, стационар даволаш зарурати бўлмаса қўлланилиши назарда тутилган.

Шунингдек, 101-моддасида стационар шароитда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббий муассасада мажбурий даволаш, агар Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, шахснинг руҳий бузилиш хусусияти бундай даволаниш, парвариш қилиш, сақлаш ва кузатишни талаб қилса тайинланиши мумкин. Ушбу турдаги даволаш фақат психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббий муассасада амалга оширилиши мумкин.

Умумий турдаги стационар шароитда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббиёт ташкилотида мажбурий даволаниш руҳий ҳолати туфайли стационар шароитда даволанишга ва кузатишга муҳтож бўлган, ammo интенсив кузатув талаб қилмайдиган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Руҳий ҳолати туфайли доимий назоратни талаб қиладиган шахсларга нисбатан ихтисослаштирилган турдаги стационар шароитда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббий муассасага жойлаштирилади.

Интенсив назорат остида ихтисослаштирилган турдаги стационар шароитда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббий муассасада мажбурий даволаниш руҳий ҳолати туфайли ўзига ёки бошқаларга жиддий хавф туғдирадиган ҳамда доимий ва интенсив кузатувни талаб қиладиган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

ЖКнинг 102-моддасида тиббий йўсиндаги мажбурият чорасини қўллаш муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш психиатрия комиссиясининг хулосасига асосан мажбурий даволанишни амалга оширувчи

тиббий муассасанинг маъмурияти ёки мажбурлов чораларини назорат қилувчи жинойт-ижроия органлари таклифига биноан суд томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Россия жинойт қонунчилигидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ўзига хос жиҳати шундаки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланган шахс мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида ариза бериш асослари мавжуд бўлиши учун олти ойда камида бир мартта психиатрия комиссияси томонидан экспертизадан ўтказилади.

Даволувчи шифокор тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланган шахс даволаниш жараёнида ушбу чораларни ўзгартириш ёки қўллашни тўхтатиши мумкин деган хулосага келса, шунингдек, шахснинг ўз ташаббуси, шахснинг ўзи, унинг қонуний вакили ва яқин қариндошларидан бирининг ташаббусига кўра шахс текширувдан ўтказилиши мумкин.

Ариза тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини амалга оширувчи тиббий муассаса маъмурияти ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини назорат қилувчи жинойт-ижроия инспекция органларига берилиши лозим.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини амалга оширувчи тиббий муассаса маъмурияти ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини назорат қилувчи жинойт-ижроия инспекция органлари томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини узайтриш бўйича судга хулоса тақдим қилинади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини узайтириш дастлаб даволаниш бошланганидан сўнг олти ой ўтгач, кейинчалик ҳар йили амалга оширилади.

Россия қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, ЖКнинг 103-моддасида жинойт содир этганидан сўнг руҳий бузилиш бўлган шахс тузалган тақдирда ҳамда унга нисбатан жазо тайинланган ёки жазони ижро этиш қайта тикланган тақдирда шахснинг тиббий муассасада мажбурий



даволанишда бўлган бир куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирилган ҳолда ҳисобланади.

Ақли расо ҳолатда содир қилинган, бироқ ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий касалларни даволашга муҳтож бўлган жиноятлар учун судланган шахслар, шу жумладан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс томонидан ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсларга нисбатан жинсий дахлсизликка қарши жиноят содир этган ва ақли расоликни истисно этмаган жинсий бузилиш аломатлари мавжуд бўлган шахслар тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари озодликдан маҳрум қилиш жойида, бошқа турдаги жазо тайинланган шахсларга нисбатан амбулатория шароитида психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббий муассасада амалга оширилади.

Шахснинг тиббий муассасада бўлган вақти жазони ўташ муддатига киритилади. Агар тиббий муассасада маҳкумни кейинги даволанишга ҳожат бўлмаса, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари асосида бўшатилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тайинланган жазо билан бирга тугатиш жазони ижро этувчи органнинг психиатрлар комиссиясининг хулосаси асосидаги таклифига кўра суд томонидан амалга оширилади.

Юқоридагиларга асосан, мамлакатимиз қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдаги бир қатор фарқларни кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланган шахс олти ойда камида бир мартта психиатрия комиссияси томонидан экспертизадан ўтказилади.

Иккинчидан, жиноят содир этганидан сўнг руҳий бузилиш бўлган шахс тузалган тақдирда ҳамда унга нисбатан жазо тайинланган ёки жазони ижро этиш қайта тикланган тақдирда шахснинг тиббий муассасада мажбурий даволанишда бўлган бир куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирилган ҳолда ҳисобланади.

Фикримизча, юқоридаги нормалар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, юқоридаги келтирилган хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш асосида қонунчилигимизни такомиллаштириш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этади.

### **3.2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш масалалари**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ қонунчилик ва суд амалиётини ўрганиш ушбу соҳага оид муаммоларни бартараф этиш мақсадида жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатмоқда.

Жумладан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг муаммоларини ҳал қилиш юзасидан назарий ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

Биринчидан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига берилган юқоридаги таърифлар унинг мазмун ва моҳиятини тўла очиб бера олмайди. Чунки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўзининг мазмуни ва хусусиятларига кўра жазодан фарқ қилади.

Фикримизча, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қуйидагича таъриф бериш лозим:

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари – суднинг қарори билан ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноят содир этган руҳий касалларга, шунингдек алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинганларга мажбурий тартибда руҳий ёки бошқа тиббий ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларни асослангирган ҳолда айтиш мумкинки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва жиноий жазонинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини назарий жиҳатдан фарқлаш мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг жазо чоралари билан қуйидаги ўхшаш жиҳатларини санаш мумкин:

- жиноят қонуни билан назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишларни содир этган шахслар учун қўлланади;
- турли тоифадаги чекловлар билан боғлиқ бўлади;

- суд томонидан тайинланади;
- давлат мажбурловини ўзида ифода этади;
- жиноят-ҳуқуқий тақиқларни бузишнинг ҳуқуқий оқибати ҳисобланади;
- келгусидаги жиноятлар содир этилишини олдини олишга қаратилганлиги.

Жазо ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўртасида жиддий фарқлар ҳам мавжуд.

Жумладан, қуйидагилар асосий фарқлари ҳисобланади:

- қўлланиладиган шахслар доираси (тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари умумий жиноий жавобгарликка тортилмайдиган ақли норасо шахсларга нисбатан қўлланилади);

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражада касал бўлиб қолганлиги туфайли жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади;

- жазони ўташ давомида ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражада касал бўлиб қолган шахсларга нисбатан қўлланилади;

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий-ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддасига кўра, жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари жиноят содир этилган кундан бошланади. Аммо ЖК 67- моддаси асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади. Бундай ҳолат бошқа худди шундай жиноят содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланган шахснинг аҳволини маълум даражада оғирлаштиради.

Чунки, жавобгарликка тортиш муддатларини 67-моддада белгиланган тартибда ҳисоблаш, аввало, ЖК 64-моддаси талабларига хилоф бўлса,

иккинчи томондан, жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини сунъий равишда узайтириб юборади. Агар шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш тўғрисидаги қароргача унинг руҳий касалликка чалинганлиги тўғрисидаги хулоса нотўғри деб топилган тақдирда жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Бундан ташқари, амалдаги жиноят қонунчилигимизда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари фақатгина руҳий ҳолати бузилган, алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки захарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (оив инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасида ОИВни юқтириб олганлар бепул махсус даволаниши лозимлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирининг 18.07.2019 йилдаги 89-сонли буйруғига илова сифатида 18 ва ундан катта ёшдаги сил ва онкология касаллигига чалинган беморлар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган касалликлар рўйхатига кўра, бир қатор касаллик турлари берилган.

Юқоридагиларга кўра, фикримизча ОИВ ва сил касалликларига чалинган шахсларга нисбатан ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суднинг ҳукмига асосан шахсга жазо тайинлаш билан бирга амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 91-моддасининг номи “Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси ва мақсади” деб ўзгартирилиши ва унинг матни қуйидагича берилиши лозим:

“Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ижтимоий хавфли қилмишни содир этган руҳий касалларга, шунингдек, жиноий жазо билан бирга алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка, сил ва ОИВ касаллигига

чалинган шахсларга махсус даволаш муассасаларида рухий ёки бошқа тиббий ёрдам кўрсатишда ифодаланадиган суднинг ажрими билан қўлланиладиган давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ушбу кодекснинг 92-моддасида кўрсатилган шахсларни даволаш ёки рухий ҳолатни яхшилаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддаси биринчи қисми қуйидаги таҳрирда берилиши лозим:

“Алкоголизмга, гиёҳвандликка, заҳарвандлик, сил ёки ОИВ касаллигига чалинган ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.”

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг жиноят кодексининг 67-моддаси қуйидаги 4-қисм билан тўлдирилиши лозим:

“Жиноят содир этганидан сўнг ҳукм чиқарилгунига қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган шахс, Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса ҳамда унга нисбатан жазо тайинланган ёки жазони ижро этиш қайта тикланган тақдирда шахснинг тиббий муассасада мажбурий даволанишда бўлган бир куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирилган ҳолда ҳисобланади”.

Фикримизча, юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги янги босқич сифатидаги ролни ўйнайди.

## ХУЛОСА

Замонавий халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва умуман халқаро ҳамжамият томонидан муайян давлатнинг ривожланганлик даражасига баҳо беришда ушбу давлатда руҳий касал, ақли норасо шахслар билан боғлиқ қонунчилик соҳасидаги ривожланганлиги, мазкур шахслар билан муомала қилиш қандай йўлга қўйилганлигига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу мезон асосида давлатнинг ривожланганлиги, маданийлашганлиги, инсонпарварлиги хусусида тўхтамга келмоқда.

Бу ўз навбатида мазкур соҳасидаги қонунчиликни ва амалиётни комплекс ўрганиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларидан келиб чиққан ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш заруриятидан далолат беради.

Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги инсон ҳуқуқлари устуворлиги бир овоздан эътироф этилаётган шароитда жиноят ҳуқуқида руҳий касал, ақли норасо шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам муҳимаҳамият касб этади.

Шундай экан, инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилаётган ҳозирги шароитда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилаётган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган жиноят-ҳуқуқий нормаларни чуқур таҳлил қилиб чиқиш, уларнинг ўзаро мувофиқлиги ва мутаносиблигига ҳуқуқий баҳо бериш долзарб аҳамият касб этади.

Мазкур диссертацияда ҳам ушбу заруриятдан келиб чиққан ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг илмий-назарий ва жиноят-ҳуқуқий асосларини комплекс таҳлил қилишни кўзда тутлади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ қонунчилик ва суд амалиётини ўрганиш ушбу соҳага оид муаммоларни

бартараф этиш мақсадида жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатмоқда.

Жиноят қонунчилигида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилиш натижасида тадқиқот иши доирасида қуйидаги назарий, амалий-ташкилий ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва хулосалар берилди.

## **I. Илмий-назарий хулосалар.**

**1.** *Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари* – суднинг қарори билан ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноят содир этган руҳий касалларга, шунингдек алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинганларга мажбурий тартибда руҳий ёки бошқа тиббий ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади.

**2.** Тадқиқот иши давомида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини жазо чоралари билан бир қатор қуйидаги ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги ҳақида хулоса қилинди:

- жиноят қонуни билан назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишларни содир этган шахслар учун қўлланади;
- турли тоифадаги чекловлар билан боғлиқ бўлади;
- суд томонидан тайинланади;
- давлат мажбурловини ўзида ифода этади;
- жиноят-ҳуқуқий тақиқларни бузишнинг ҳуқуқий оқибати ҳисобланади;
- келгусидаги жиноятлар содир этилишини олдини олишга қаратилганлиги.

**3.** Ўрганишлар натижасида жазо билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўртасидаги фарқларга ажратилди.

Жумладан, қуйидагилар асосий фарқлари ҳисобланади:

- қўлланиладиган шахслар доираси (тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари умумий жиноий жавобгарликка тортилмайдиган ақли норасо шахсларга нисбатан қўлланилади);



- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражада касал бўлиб қолганлиги туфайли жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади;

- жазони ўташ давомида ўз ҳаракатларини англай олмайдиган даражада касал бўлиб қолган шахсларга нисбатан қўлланилади;

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий-ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди;

- иш юритиш тартибига қараб, суд муҳокамасида умумий тартибда кўриб чиқиш натижаси бўйича жазо тайинланса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари алоҳида тартибда иш юритиш асосида тайинланади.

## **II. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 67-моддаси учинчи қисмидаги “Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади” каби нормани қуйидаги мазмунда баён қилиниши лозим:

“Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари жиноят содир қилинган кундан ҳисобланади”.

2. Бундан ташқари, амалдаги жиноят қонунчилигимизда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари фақатгина руҳий ҳолати бузилган, алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Фикримизча, ОИВ ва сил касалликларига чалинган шахсларга нисбатан ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суднинг ҳукмига асосан шахсга жазо тайинлаш билан бирга амалга оширилиши лозим.

Шахснинг ҳуқуқларини маълум даражада чеклайдиган бундай чоралар суд томонидан қўлланилиши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамият эгаллайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 91-моддасининг

номи “Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчаси ва мақсади” деб ўзгартирилиши ва унинг матни қуйидагича берилиши лозим:

“Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ижтимоий хавфли қилмишни содир этган руҳий касалларга, шунингдек, жиноий жазо билан бирга алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка, сил ва ОИВ касаллигига чалинган шахслар, шунингдек, ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга махсус даволаш муассасаларида руҳий ёки бошқа тиббий ёрдам кўрсатишда ифодаланадиган суднинг ажрими билан қўлланиладиган давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ушбу кодекснинг 92-моддасида кўрсатилган шахсларни даволаш ёки руҳий ҳолатни яхшилаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддаси биринчи қисми қуйидаги таҳрирда берилиши лозим:

“Алкоголизмга, гиёҳвандликка, заҳарвандлик, сил ёки ОИВ касаллигига чалинган ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.”

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 67-моддаси қуйидаги 4-қисм билан тўлдирилиши лозим:

“Жиноят содир этганидан сўнг ҳукм чиқарилгунига қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилиб, ушбу кодекс умумий қисмининг 93-моддаси биринчи қисмининг “в”, “г” ва “д” бандларидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахслар, Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса ҳамда унга нисбатан жазо тайинланган ёки жазони ижро этиш қайта тикланган тақдирда шахснинг тиббий муассасада мажбурий даволанишда бўлган бир куни

озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирилган ҳолда ҳисобланади”.

6. Қонунда белгиланган умумий қоидага кўра, жиноят қонуни нормалари қўлланиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахс шароитининг ўзгарганлиги ёки айбдорнинг шахси ўзгарганлиги муносабати билан уни яна жиноий жавобгарликка тортиш қоидалари назарда тутилмаган.

Тўғри, агар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал нормалари асосида жиноят иши тўхтатилиб, ЖПК 61-бобида назарда тутилган қоидалари қўлланилган бўлса, жиноят ишини юритиш тикланади.

Агар ЖК 64-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш суднинг ҳуқуқи эмас, балки мажбуриятидир.

Аммо, кодекс 67-моддасининг 3-қисмида “Бундай шахс ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тuzалса, жавобгарликка тортилади”, - дейилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, иш ЖПК қоидалари асосида тўхтатилган бўлса, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланган шахс тuzалса, иш яна тикланиб ЖПК қоидалари асосидаги ҳаракатлар қилинади. ЖК қоидалари асосида жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар агар янги ҳолатлар аниқланмаган бўлса, яна жиноий жавобгарликка тортилмаслиги керак.

7. Қонунда руҳий касалликлардан бошқа турдаги касалликка чалинган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилмаган. Агарда жиноят содир қилган шахс руҳий касалликдан бошқа оғир касалликка чалиниб қолса, жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи қўлланмайди. ЖКнинг 67-моддасида фақатгина жиноят содир қилганидан сўнг руҳий касалликларга чалинган шахслар берилган.

Шунга кўра, ушбу модданинг биринчи қисмига “ёки бошқа турдаги жазони ўташни истисно қиладиган касалликка чалинган тақдирда” каби жумла билан тўлдирилиши лозим.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

### **I. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР:**

1.1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: Ўзбекистон, 2016. -48 б;

1.2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -104 б.

### **II. ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон;

2.2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон;

2.3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон;

2.4. Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (оив инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон;

2.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори // Тошкент ш., 2008 йил 12 декабрь, 23-сон;

2.6. Уголовный кодекс Республики Беларусь. –Минск, 1999. –С.288;

2.7. Уголовный кодекс. Польша/Под.ред. А.И.Лукашова, Н.Ф.Кузнецовой. –СПб., 2001. –С.92;

2.8. Новый Уголовный кодекс Франции. – М.1993-С. 41;

2.9. Уголовный кодекс Швейцарии/ Под ред А.В Серебниковой – СПб, 2002-С. 91-100.

### **III. МАХСУС АДАБИЁТЛАР:**

3.1. Иванюшкин А.Я., Игнатъев В.Н., Коротких Р.В., Силуянова И.В. Глава XII. Этические проблемы оказания психиатрической помощи//Введение в биоэтику: Учебное пособие/ Под общ. Ред. Б.Г.Юдина, П.Д. Тищенко.-Москва: Прогресс-Традиция, 1998. –С.381;

3.2. Додонов В.И. Сравнительное уголовное право. Общая часть / под общ.ред. Щербы С.П.. - М.: Юрлитинформ, 2009. - С. 348;

3.3. Говрунова А.И. Уголовно-процессуальные проблемы применения принудительных мер медицинского характера: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Краснодар, 2009. - С. 6;

3.4. Колмаков П.А. Сущность, цели и виды принудительных мер медицинского характера: Учеб.пособие. Сыктывкар: ИПО СГУ, 1999. - С.96;

3.5. Батанов А.Н. Принудительные меры медицинского характера в уголовном праве России. -Ульяновск. Изд-во УГУ, 2002. -С.12;

3.6. Протченко Б.А. Принудительные меры медицинского характера по советскому уголовному праву: Автореф. дисс канд. юрид. наук. - М., 1979. - С. 9;

3.7. Спасенников Б.А. Принудительные меры медицинского характера (теория, уголовно-правовое регулирование, практика). Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - М., 2004. - С. 10;

3.8. Ленский А.В., Якимович Ю.К. Производство по применению принудительных мер медицинского характера. - М.: Юристъ, 1999. - С. 27;

3.9. Курс уголовного права., Том 2. Общая часть. Учение о наказании. Под ред. Н.Ф.Кузнецовой., И.М.Тяжковой. –М.: Зерцало.2002.- С.347;

3.10. Коптяев А.Ю. Производство о применении принудительных мер медицинского характера: Автореф.дисс. ...канд.юрид.наук. –Тюмень, 2010.-

С.7;

3.11. Уголовного право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Отв.ред. Б.В.Здравомыслов. М.:Норма,1996.-С.495;

3.12. Байсеитова А.Т. Наказание как основная форма реализации уголовной ответственности// материалы международный научно-практический конференции «Актуальные проблемы борьбы с преступностью на современном этапе» Алматы, 2008.-С.100-103;

3.13. Колмаков П. Допустимо ли оставлять участника уголовного судопроизводства без субъективных прав// Уголовный процесс, 2005, -№4. – С.72-74;

3.14. М.Х.Рустамбоев Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. II-том. Умумий қисм. Дарслик. –Тошкент: Илм-зиё.2011.-266-б;

3.15. Постатейный комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации/ Под ред. Н.А.Громова. –М.:ГроссМедиа, 2007.С.234;

3.16. Михеев Р.И., Беловодский А.В., Воробей В.А., Михеев О.Р. Принудительные меры медицинского характера в уголовном праве – социально-правовые и медико-реабилитационные меры безопасности. -2000. -С.70;

3.17. Исмагулова А.Т. Регламентация принудительных мер медицинско характера по законодательству Российской Федерации и Республики Казахстан: Автореф.дисс. ...канд.юрид.наук. –Челябинск, 2010. – С.8;

3.18. Шагеева Р.М. Проблемы применения принудительных мер медицинского характера в уголовном процессе:Автореф.дис...канд.юрид.наук. –Уфа, 2005. –С.6.

3.19. Говрунова А.И. Уголовно-процессуальные проблемы применения принудительных мер медицинского характера: Автореф. Дисс. ... канд.юрид.наук. – Краснодар. 2009.-С.20;

3.20. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик/ Р.Юсувалиева, М.Ахмедшаева, М.Нажимов ва бошқалар. Масъул муҳаррир Р.Юсувалиева.

Т.: ЖИДУ, 2019. Жами -308 б. Олдим -Б-108;

3.21. Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. –Тошкент. “Адолат”, 2018. Жами 528 б. Олдим -Б-186;

3.22. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. –Б-37;

3.23. Шакаров Э.Т. Принудительные меры медицинского характера по делам о невменяемых: Автореф. Дисс. ...канд. Юрид. Наук. – Ташкент. 2000. № 7. С. 31-31;

3.24. Назаренко Г.В. Принудительные меры медицинского характера: Слайд-лекция: СГИ, 2001. -29 с;

3.25. Колмаков П.А. Проблемы правового регулирования принудительных мер медицинского характера. Дисс. ...д-ра юрид.наук;

3.26. Собитов Р.А. Принудительные меры медицинского характера // Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под общ. Ред. В.В. Мозякова. –М., 2002. –С.168;

3.27. Назаренко Г.В. Принудительные меры медицинского характера: Учеб. Пособие. М.: Дело, 2003. –С.49;

3.28. Шагеева Р.М. Принудительные меры медицинского характера: уголовно-правовые и уголовно-процессуальные основания применения // Материалы Всероссийской научно-практической конференции, посвященной 95-летию Башкирского университета. Часть 1. –Уфа: РИО БашГУ, 2004;

3.29. Шакаров Э.Т. Принудительные меры медицинского характера по делам о невменяемых : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Ташкент, 1989. - С. 14;

3.30. Журавлева Т.Н. Институт принудительных мер медицинского характера в законодательстве Российской Федерации : дис. ... канд. юрид. наук. - Ростов, 2002;

3.31. Слерчков В. Принудительные меры медицинского характера //

Законность. 2000. №7. - С. 31;

3.32. Буфетова М. Ш. Уголовно-правовые и уголовно-процессуальные основания применения принудительных мер медицинского характера // Социально-экономические аспекты реформ в России: проблемы, пути решения (в Сибирском и Дальневосточном регионах) : материалы междунар. науч-практ. конф. Улан-Удэ, 2004. С. 10-11;

3.33. Уголовный закон. Опыт теоретического моделирования / ств.ред. В.Н. Келина. –М., 1987. –С.208;

3.34. Зелинская Н.А. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть / под ред. А.И.Рарога. - М., 2001. - С. 493-494,498; Шагеева Р.М. Принудительные меры медицинского характера: уголовно-правовые и уголовно-процессуальные основания применения // Проблемы совершенствования и применения законодательства о борьбе с преступностью; материалы науч-практ. конф. - Уфа, 2004;

3.35. Журавлева Т.Н. Курс.асар; Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова // Справ. правовая система «КонсультантПлюс».Снасенников Б.А. Принудительные меры медицинского характера (теория, уголовно-правовое регулирование, практика): дис.... д-ра юрид. наук. - М., 2004. - С. 49;

3.36. Курс уголовного права. Общая часть. Учение о наказании / под ред. Н.Ф.Кузнецовой, И.М.Тяжковой. - М., 2002;

3.37. Колмаков П.А. Проблемы правовую регулирования принудительных мер медицинского характера: Автореф. дисс.... д-ра юрид. наук. - СПб., 2000. - С. 17;

3.38. Ражабова М.Қилмишни малакалаш: назарий ва амалий масалалар // Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истикбол. - Тошкент: Юрист-медиа маркази, 2009. - Б. 368-379;

3.39. Куринов Б.Я. Научные основы квалификации преступлений. - М., 1978. - С. 116-117;

3.40. Шагеева Р.М. Принудительные меры медицинского характера:



уголовно-правовые и уголовно-процессуальные основания применения // Материалы Всероссийской научно-практической конференции, посвященной 95-летию Башкирского государственного университета. Часть 1. –Уфа: РИОБашГУ, 2004;

3.41. Курс российского уголовного права. Общая часть / Под ред. В.Н.Кудрявцева, А.В.Наумова. - М., 2001. - С. 738;

3.42. Батанов А.Н. Принудительные меры медицинского характера: история, теория, законодательное регулирование и практика применения: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. - Ульяновск, 2004. - С. 9;

3.43. Зелинская Н.А. Принудительные меры медицинского характера // Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Под.ред. А.И.Рарога. –М., 2001. –С.493-494, 498;

3.44. Сверчков В. Принудительные меры медицинского характера // Законность. –Москва, 2000. - №7;

3.45. Рустамбаев М.Х. Жиноят кодексига шархлар. Умумий қисм. - Тошкент: Илм-зиё, 2008. - Б. 1143-1144;

3.46. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. Под ред. А.Я.Сухарева. - М.: Издательство НОРМА, 2002. - С. 749;

3.47. Жиноят ишлари буйича Тошкент шаҳар суди архивидан, 2011 йил;

3.48. Преступление и исказание в Англии, США, Франции, ФРГ, Японии. Общая част уголовного право. – М. 1991 –С. 81;

3.49. Крмлова Н.Е., Серебреиникова А.В. Уголовное право современных зарубежных стран (Англия, США, Франция, Германия). М.,1998.С.17175;

3.50. Нерсесян А.А. Вопросы наказуемости в уголовном праве ФРГ и США. –М., 1992. –С.196-199;

3.51. Словарь иностранных слов. –М., Русский язык, 1989. –С.406;

3.52. Малиновский А.А. Сравнительное прооведение в сфере

уголовного права. –М.,2003. –С. 283;

3.53. Малиновский А.А. Сравнительное прохождение в сфере уголовного права. –М.,2003. –С. 284;

3.54. Малиновский А.А. Сравнительное прохождение в сфере уголовного права. –М.,2003. –С. 285;

3.55. Ўзбек тилининг изохли луғати: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1.А-Д/Таҳририят хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. -680 б.);

3.56. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: “Шарқ”, 2001. -357-б;

#### **IV. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР:**

4.1. Батанов А.Н.Принудительные меры медицинского характера:история, теория, законодательное регулирование и практика применения: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. - Ульяновск, 2004. - С.7;

4.2. Буфетова М.Ш. Производство о применении принудительных мер медицинского характера. Дис... канд.юрид наук. -Иркутск. 2004, -С. 141;

4.3. Вицин С.Е. Принудительные меры медицинского характера. Понятие, основания и порядок применения. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1970,- 16 с;

4.4. Гасанова В.Ш. Производство о применении принудительных мер медицинского характера: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Нижний Новгород, 2006. - С. 14;

4.5. Денисов М.Ф. Вероятностное прогнозирование повторных общественно опасных действий психически больных: Автореф. дисс.... канд. мед.наук. М., 1994.-С. 15,19;

4.6. Дремина НА. Проблемы профессиональной защита по делам о применении принудительных мер медицинского характера: Автореф. дисс.,канд. юрид. наук. - Одесса, 1991. - С. 13;

4.7. Жарко Н.В. Принудительные меры медицинского характера (уголовноправовой аспект). Автореф. дис.... канд. юрид. наук. - Рязань, 2005. - 26 с;

4.8. Журавлева Т.Н. Институт принудительных мер медицинского характера в законодательстве Российской Федерации : дис. ... канд. юрид. наук. - Ростов, 2002;

4.9. Исмагулова А.Т. Регламентация принудительных мер медицинского характера по законодательству Российской Федерации и Республики Казахстан: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук -Челябинск, 2010. - С. 8;

4.10. Карелин Д. В. Принудительные меры воспитательного воздействия как альтернатива уголовной ответственности: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук: 12.00.08 / Том.гос. ун-т. Томск, 2001. - 26 с;

4.11. Колмаков П.А Проблемы правового регулирования принудительных мер медицинского характера: диодокт. юрид. наук, -Санкт-Петербург, 2000. -С. 22;

4.12. Коптяев А.Ю. Производство о применении принудительных мер медицинского характера: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. - Тюмень, 2010. - С. 7;

4.13. Кудрявцева А.В. Институт судебной экспертизы в уголовном процессе: Автореф. дисс д-ра.юрид. наук. СПб. 2001. - 9 с;

4.14. Попкова Е.А. Принудительные меры медицинского характера, применяемые к психически больным: уголовно-правовой и уголовно-исполнительных аспекты: Автореф. дисс.... канд. юрвд. наук. - Красноярск, 2005. - С. 7;

4.15. Протченко Б.А. Принудительные меры медицинского характера по советскому уголовному праву: Автореф. дисс канд. юрид. наук. - М., 1979. - С. 9;

4.16. Сефикурбанов КС. Применение принудительных мер медицинского характера в уголовном судопроизводстве: по материалам Республики

Дагестан: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. - Махачкала, 2008. - 24 с;

4.17. Спасенников Б.А. Принудительные меры медицинского характера (теория, уголовно-правовое регулирование, практика). Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - М., 2004. - С. 10;

4.18. Файзуллаева Т.Х. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаш муаммолари: Юрид. фан. ном.... дисс. автореф. - Тошкент: ТДЮИ 2009. - Б. 7;

4.19. Хомовский А.А. Производство по применению принудительных мер медицинского характера в советском уголовном процессе: Автореф. дисс... канд.юрид.наук. -М.: 1967.-С.14;

4.20. Шагеева Р.М. Проблемы применения принудительных мер медицинского характера в уголовном процессе: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук.-Уфа, 2005.-С. 22;

4.21. Шакаров Э.Т. Принудительные меры медицинского характера по делам о невменяемых: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. - Ташкент. 1989. - С. 14.

## **V. ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:**

5.1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий веб-сайти: [www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/retarded.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/retarded.shtml);

5.2. Россия Мустақил Психиатрия Ассоциациям расмий сайти: [www.npar.ru/rights/hr-ceu.htm](http://www.npar.ru/rights/hr-ceu.htm);

5.3. Интернет сайти: [www.pravoteka.ru/enc/](http://www.pravoteka.ru/enc/) Принудительные+меры+медицинского+характера, Энциклопедический словарь экономики и права. - М., 2005;

5.4. Энциклопедический словарь ФА.Брокгауза и И.А.Ефрона // [dic.academic.ru/dic.nsf/brokgauz\\_efron/39026/](http://dic.academic.ru/dic.nsf/brokgauz_efron/39026/)

5.5. Энциклопедия уголовного права России // [ww/pravozor.ru/criminal-law/chapter-prinuditelnye-mery-medicinskogo-haraktera/html](http://ww.pravozor.ru/criminal-law/chapter-prinuditelnye-mery-medicinskogo-haraktera/html).